БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
27 январь
Шанба
№ 20 (13.456).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Ором билмас одамлар

Аввалги чақириқ депутатлар корпусининг ваколат муддати тугамоқда. ЎзТАГ мухбирларининг нималарни қилишга улгурилди ва келажакда қандай ишларни амалга ошириш керак, деган саволларига турли даражадаги маҳаллий Советларнинг депутатлари жавоб берадилар.

— Ўтган чақириқ депутатларининг ваколатлари тугашига бир ойдан сал камроқ вақт қолди. Энди улар фаолиятининг барча салбий ва ижобий томонлари кўриниб қолди, — дейди Андижон ноҳия ижроия комитетининг раиси Нуъмонжон Шокиров. — Кўпчилик ўз вазифасига жиддий, масъулият билан муносабатда бўлди. Жумҳурият Олий Советининг депутати, «Ямбол» совхозининг бригада бошлиғи Гулнора Ҳосилова ҳақида шундай дейиш мумкин. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ноҳия маркази — Куйганёрда янги алоқа уйини қуриш масаласи ҳал этилди. Бошқа депутат — Охунбобоев номли совхоз сут товар фермасининг мудираси Ўлмасхон Сўфиева 41-мактабнинг янги биноси қурилишига эришди, яқинда ана шу бинога кўчиб кирилди. У шунингдек жорий йил қурилиш планига 150 ўринли касалхона комплекси қурилишини киритишга ҳам муваффақ бўлди.

Депутатлар сессияларда сўзлаган нутқларида уй-жой, ижтимоий-маданий, маиший ҳамда соғлиқни сақлаш объектлари қуриш, шахсий боғлар ва узумзорлар учун ерлар ўзлаштириш сингари Фарғона водийси учун жуда муҳим бўлган муаммоларни ҳал этишга эътибор бердилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ишимиз ҳамма вақт ҳам силлиқ битаверган бўлмаса-да, кўп нарсаларни қилишга улгурдик.

Афсуски, баъзи депутатлар сессиялар ишида умуман қатнашмадилар, бирон марта сўзга чиқмадилар, мабодо минбарга кўтарилсалар ҳам, олдиндан ёзиб тайёрланган матнга қараб, саёз, зерикарли гапирдилар. Турли хил ўқишлар, ижодий учрашувлар ҳам улар фаоллигини оширишга ёрдам бермади. Сайловчиларнинг наказларини бажариш хусусида тегишли ташкилотларга бирон марта ҳам мурожаат қилмаган депутатлар ҳам бор.

Лекин бугунги кунда манзара ўзгармоқда. Сайловчилар номзодларга нисбатан тобора кўп талаблар қўйишмоқда. Бу тасодифий эмас, чунки, депутатлар ноҳиядаги муҳим иқтисодий ва нуфус, ижтимоий ва экологик вазифаларни ҳал этишлари керак. Ҳозир аҳоли пунктларимизнинг ҳаммаси ҳам ичимлик суви билан таъминланмаган, уй-жойларнинг атиги 34 фоизи газлаштирилган. Уй олиш учун навбатда турганлар сони камаймаяпти, касалхоналар, мактаблар, болалар боғчалари етишмайди. Шунинг учун ҳам ноҳиямиз меҳнаткашлари, сайловчилар ҳар бир бўлажак депутат олдига ғоят жиддий талаблар қўйишмоқда.

Қ. НИЗОМОВ.

Армия ҳизматига тайёрланайлик

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлди. Унда ўзбекистонлик жангчиларнинг армияда хизмат қилиш, ёшларни ана шу хизматга тайёрлаш масалалари қараб чиқилди. Кенгашда область партия комитетлари давлат-ҳуқуқ бўлимларининг мудирлари, область ҳарбий комиссариатларининг бошлиқлари, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Ўзбекистон ССР Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш министрликларининг вакиллари қатнашдилар.

Нутқларда Совет Армияси сафларида хизмат қилиш граждалик фахрли бурчи эканлиги таъкидланди. Ҳозир Ўзбекистондан чақирилган ёшлар турли ҳарбий округлар, шу жумладн Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларида хизмат қилишмоқда. Қисмларда жанговар ва сиёсий тайёргарликни ошириш учун ҳамиша шароитлар яратилган. Область делегацияларининг ўзбекистонлик жангчилар ҳузурига ташриф буюриши яхши анъанага айланди. Армияга чақирилган ёшларнинг ота-оналари ҳам бўлган делегацияларнинг аъзолари қисмларда турли миллатга мансуб жангчиларга муносабатда ҳеч қандай фарқ йўқлигини ўз кўзлари билан кўриб, бунга ишонмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР совет ҳокимияти органлари республикамиздан чақирилган ёшларнинг хизмат шароитларини назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида катта иш олиб бормоқдалар.

Кенгашда Қуролли Кучларда хизматга тайёргарлик кўриш — ёшлар билан сиёсий-тарбиявий, жисмоний, соғломлаштириш ишларининг муҳим таркибий қисми эканлиги уқдирилди. Ўтган йилги армия хизматига чақирув бу ишда ҳали анча камчиликлар борлигини кўрсатди. Хизматга чақирилганларнинг гарчи қарийб 80 фоизи ҳарбий қисмларга юборилган бўлса-да, соғлиги, бошқа сабаблар туфайли армиядан кетиб қолиш ҳоллари ҳам бўлди. Ўқув юртларида, турар жойларда армияга чақириладиган ёшлар ва чақирилганларни тайёрлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш зарур. ДОСААФ ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир республикада оммавий мудофаа ишлари ойлиги бўлмоқда. Бу ойлик ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантиришнинг таъсирчан воситасига айланиши керак.

Бу йил мамлакатимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлайди. Ушбу тарихий воқеага тайёргарлик кўришда ветеранлар ҳам, ёшлар ҳам қатнашишлари керак. Ўтказилаётган тадбирлар байналмилал руҳда, ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг яхши мактаби бўлади.

Кенгаш қатнашчилари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, армия билан халқнинг узвий алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча аниқ-равшан таклифлар киритишди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Ўктамхон Қорахонова Чустдаги «Барион» заводида участка мастери бўлиб ишлайди. Унинг бу даражага эришгунча бўлган босиб ўтган йўли ҳар бир ёш учун ибратлидир. Ўктамхон 8-синфни тугатганидан сўнг заводга шогирд бўлиб ишга кирди. Ишдан ажралмаган ҳолда аввал кечки ишчи ёшлар мактабида, ўқиди, 1989 йилда эса план-иқтисод техникумини сиртдан тамомлади. Ишда илғор ва фаол қиз вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлишга муяссар бўлди. У ноҳия комсомол қўмитасининг бюро аъзоси, завод касаба союз қўмитасининг аъзоси, Чуст шаҳар Советининг депутати.

Меҳнат аҳли Ўктамхон Қорахоновага катта ишонч билдирди, у 250-Чуст сайлов округида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди. Эндигина 27 ёшга кирган бу қиз шу юксак ишончга сазовор бўлиш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

А. МИРЗАЖОН сурати.

Депутат билиши керак...

Фарҳод посёлка Совети депутатлари қуруқ ваъдалар қилишмаганди. Эҳтимол, шу сабабли улар режалаштирган ишларнинг анчасини амалга оширишга муваффақ бўлишгандир.

— Самарқанд шаҳрининг йўлдоши бўлган Фарҳод посёлкаси бу йил жадал ривожланди, — дейди посёлка Советининг раиси Мурод Ашурович Ҳамроқулов. — Икки юз оила ҳовли тўйларини ўтказишди. Болалар боғчаси фойдаланишга топширилди, мактабда янги синф хоналар пайдо бўлди. Банкда ҳисоб дафтарчаси очишга муваффақ бўлдик, унга посёлкада жойлашган корхоналар маблағлар ўтказишди. Ана шу маблағлар ҳисобига автобус бекатлари қурдик, кўчаларга асфальт ётқиздик. Бу ишга область матлубот союзи билан Сиёб колхоз бозори маъмуриятини қизиқтиришга муваффақ бўлдик — уларнинг пули ҳисобидан посёлкамизда бозор қуряпмиз. Сайловчиларимизнинг барча буюртмалари асосан бажарилганлигини мамнуният билан айтишим мумкин. Бироқ ҳаммасини ҳам қилиб улгурганимиз йўқ. Лойиҳа-ҳисоб-китоб ҳужжатлари тайёр бўлишига қарамай, соғломлаштириш комплекси қурилмади. Лойиҳа эскириб қолганлиги сабабли маданият саройини бунёд этишга киришмадик. Жумҳурият Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг 12-қурилиш корхоналари бирлашган дирекцияси айби билан қозонхонани ўз муддатида топширмадик. Вилоят маиший хизмат бошқармаси янги маиший хизмат комбинатини бунёд этишда яхши ёрдам бермаяпти. Поликлиника қурилиши ҳам бошланганича йўқ.

Яна бир ҳал этилмаган муаммо бор. Меъморчилик-планлаштириш бошқармаси посёлканинг қоқ марказида сабзавот омбори қурилишини режалаштирган эди. Биз ана шу омбор қурилишини жон-жон деб қўллаб-қувватлаймиз, лекин уни посёлканинг қоқ ўртасида бунёд этиш шартми? Бироқ биз мурожаат этган жумҳуриятимиздаги ҳар бир идора бу фикримизнинг тўғрилигини тан олса-да, бирор ўзгариш қила олмади.

Яқин орада маҳаллий Советларга сайлов бўлади. Янги депутатлар корпуси янада самаралироқ ишлаши мумкин. Бунинг учун маҳаллий Советларнинг ўз молиявий маблағи бўлиши керак. Акс ҳолда депутатлар обрўли идораларга тинимсиз қатнаб, яна илтимосчи бўлиб қолаверадилар.

Янги депутатлар корпусига қандай истакларимиз бор? Улар қайта қуриш вазифаларини фаолроқ ҳал этсинлар, хўжалик раҳбарларига дадилроқ таъсир кўрсатсинлар. Бунинг учун сессияларда уларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туриш керак. Биз амалда шундай иш бошладик — Фарҳод ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Н. Аюповнинг Фарҳод посёлкасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари борасидаги комплекс ҳисоботини тингладик. Шундан кейин аҳолига керакли бўлган кўп иншоотларни тезроқ қура бошладилар. Советлар фаолиятини самарадор қилишнинг бошқа усуллари ҳам бор: депутатлар сўрови ўз вақтида ва аниқ бўлиши, доимий комиссиялар малакали ишлаши зарур. Айни вақтда янгиликни излаш, бошқаларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам лозим.

Бугунги кунда сайловчилар ўйлаб иш тутадиган, фаол, юксак малакали номзодларни қўллаб-қувватлашади. Сайловчилар қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир кишилар томонидадирлар.

Л. ТОКАРЕВ.
ЎзТАГ мухбири.

НАВОИЙ ВА МУЗИКА

Мутал Бурхоновнинг музикасидан илҳомланиб Алишер Навоийга бағишловнинг биринчи вариантини ёзиш учун шоир Абдулла Ориповга қирқ минут вақт кифоя қилди. Сайқал берилгандан кейин музикали навоийхонликда муносиб ўрин эгаллаган «Қасида» туғилди. Ўзбек адабиёти асосчисининг бўлажак юбилейига бағишлаб Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда хабар беришди. Давра суҳбати мажлисини Ўзбекистон композиторлари уюшмаси ташкил этди.

— Биз классик шоир ижоди ҳақида шунчаки гаплардан воз кечдик, — дейди музикашунослик ва музика танқиди секциясининг раиси О. Матёқубов. — Давра суҳбатида гап ҳозирги турмушда Навоий меросини англаб етиш, унинг айрим асарларининг ўрганилмаган томонлари, буюк даҳонинг ўлмас асарларини қандай қилиб бугунги кунга хизмат қилдириш мумкинлиги ҳақида борди. Чунки унинг асарлари орасида музика билан боғлиқ трактаталар бор.

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

ЁШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ

Жумҳуриятимизда вилоятлар комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари ниҳоясига етмоқда. Уларда комсомол ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда ВЛКСМнинг XXI съездига делегатлар сайланмоқда. Биз Ленин комсомоли юқори органига сайланган делегатларни таништиришни давом эттирамиз.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

1. **Абдураззоқов** Пўлатжон Сотқинбоевич — Қува ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби.
2. **Азизова** Феруза Содиқовна — Боғдод ноҳиясидаги 35-ўрта мактаб бош пионер вожатийси.
3. **Арзиматов** Адҳамжон Сотволдиевич — Ўзбекистон ЛКСМ Фарғона вилоят қўмитасининг биринчи котиби.
4. **Асқаров** Шокиржон Алиевич — Фрунзе ноҳиясидаги Охунбобоев номли совхознинг Свердлов номли 3-бўлими катта агрономи.
5. **Жаҳонова** Соҳиба Жалоловна — Марғилондаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.
6. **Доманов** Дмитрий Юрьевич — Қўқон шаҳридаги «Текстильмаш» заводи ишчиси.
7. **Қодирова** Насиба Неъматовна — Қўқон автомобиль йўл техникуми талабаси.
8. **Қурбонов** Ҳалилжон Ҳайдаралиевич — Риштон ноҳиясидаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси пайвандчиси.
9. **Маҳсудов** Абдураҳмон Ортиқович — Ленинград ноҳиясидаги «Социализм» жамоа хўжалиги колхозчиси.
10. **Матмусаев** Маъруф Ражабович — Тошлоқ ноҳиясидаги 75-автобаза ҳайдовчиси.
11. **Маҳмудова** Маҳфуза Остоновна — Охунбобоев ноҳиясидаги 50-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
12. **Раззоқов** Жаббор Раззоқович — «Ёш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири.
13. **Раҳимов** Шуҳрат Мамажонович — Фарғона шойи тўқиш фабрикаси цехининг механиги.
14. **Сотимов** Шукрулло Файзуллаевич — Ўзбекистон ноҳиясидаги 37-ўрта ҳунар-техника билим юрти комсомол қўмитасининг котиби.
15. **Умаров** Эргашали Бердалиевич — Фарғона ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги колхозчиси.
16. **Ўринова** Шоҳиста Абдубанноевна — Бувайда ноҳиясидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги колхозчиси.
17. **Устинова** Елена Николаевна — Фарғона давлат педагогика институти Бошланғич таълим методикаси факультети талабаси.
18. **Эркаев** Азиз Рўзматович — Олтиариқ ноҳиясидаги 1-КСК ишчиси.
19. **Йўлдошева** Замира Тўхтасиновна — Киров ноҳиясидаги «Бешариқ» совхоз-техникуми ишчиси.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

1. **Алиқулова** Зоҳида Мусурмоновна — Ургут ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги колхозчиси.
2. **Ардемасов** Дмитрий — Каттақўрғон пахта тозалаш заводининг ишчиси.
3. **Аҳроров** Аъзам Пўлатович — Темирйўл ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби.
4. **Ғуломов** Сардор Мусинович — Самарқанд ноҳияси РПРЭО инженери.
5. **Жамолов** Илҳом — Сиёб ноҳияси ПТО ТНП ишчиси.
6. **Қодиров** Даврон Мустафоевич — Каттақўрғон ноҳияси «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг механизатори.
7. **Муҳаммадғарипов** Рафаэл Нормуҳамедович — Жомбой ноҳиясидаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси.
8. **Муродов** Собир Ғаниевич — Иштихон ноҳиясидаги «Меҳнат — роҳат» жамоа хўжалиги бошқармасининг раиси.
9. **Носиров** Азиз Носирович — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби.
10. **Пўлканова** Саодат — Хатирчи ноҳиясидаги 16-ўрта мактаб ўқувчиси.
11. **Рустамов** Аслиддин Ашурбоевич — Пайариқ ноҳиясидаги 53-ўрта мактаб ўқитувчиси.
12. **Тошматова** Ҳолида — Булунғур ноҳиясидаги «Гелион» заводи филиали ишчиси.
13. **Тиллаев** Абдураззоқ Қозоқович — Пастдарғом ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби.
14. **Тўраев** Елкин Бахритдинович — Советобод ноҳиясидаги «Улус» совхозининг катта чўпони.
15. **Тўраев** Турғун Тошматович — Нарпай ноҳиясидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби.
16. **Усмонов** Салоҳитдин Исмоилович — Оқдарё ноҳиясидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигининг райком ҳуқуқидаги комсомол қўмитаси котиби.
17. **Ҳамидов** Далер — А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни талабаси.
18. **Чинмирзаева** Садоқат — Нурота ноҳиясидаги 2-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

УНЧАЛИК ОСОН ЭМАС

Янгиариқ ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозида мингдан ортиқ оилага 135 гектар унумдор ер берилди. Хўш, нима бўлипти, ҳозир ҳаммага ер беришяпти, дерсиз...

Бироқ, колхозчиларга ер ажратиш унча осон бўлмади. Аввалига хўжаликда бу борадаги ишларни махсус режалаштириб олишди. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи деҳқонлари ўзлари бевосита тер тўкаётган ерлардан жой олишди. Колхозчиларнинг асосий талаби ҳам шундай эди. Шундай қилиб, хўжаликда 16 та унча катта бўлмаган даҳалар пайдо бўлди.

Колхозчи ўз ерида истаган экинини экиб, парваришлаш ҳуқуқига эга. Бошқа томондан эса, бу нарса колхоз мутахассислари ва идорасини безовта қила бошлади: ҳамма бир хил экин экишни афзал кўриши истисно эмас. Демак, яна яккa зироатчилик бўладими? Шу боисдан деҳқонлар алмашлаб экишга риоя этилишини мувофиқлаштирувчи бригадалар кенгашини тузишди. Ишни П. Тожиметов бригадасидан бошлашди. Коллектив аъзоларига 10 гектар унумдор ер фойдаланиш учун ажратилди. Колхозчиларнинг учдан бир қисми кўнгилли равишда беда ва жўхори етиштиришга рози бўлди. Яна тахминан шунча деҳқон сабзавотларнинг баъзи турларини экишга, бошқалари эса картошка ва карам парваришлашга қарор қилдилар. Ажратилган ерни уч қисмга бўлишди. Ихтисослашишнинг бундай услуби хўжаликни тўғри бошқаришга, ўз маҳсулотини сотиш учун биргалашиб бозор излашга ва энг муҳими ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шу кунларда, экиш мавсуми бошланишига ҳали анча вақт бўлган пайтда колхоз идорасининг юмушлари кўп. Деҳқонларни уруғлик билан таъминлаш учун кўп куч-ғайрат сарфлашмоқда. Бу ўринда яна бир муаммо пайдо бўлди.

— Помидор, бодринг, жўхори ва картошканинг юқори навли уруғлигини қаердан сотиб олишни билолмаяпмиз, — дейди ташвиш билан колхоз бош агрономи Ёқуб Абдиев. — Парниклар учун экин майдонларини кенгайтириш масаласи ҳам ҳал этилмаган. Одамларимизнинг бир қисми ҳозир колхоз ёки кооперативдан эртанги сабзавот кўчатларини зўр қониқиш билан сотиб олган бўлишарди. Биз эса барча хоҳловчиларни кўчат ва минерал ўғитлар билан таъминлаш имкониятига эга эмасмиз. Ноҳия агросаноат уюшмаси мутахассислари бош қотирсалар арзийдиган муаммолар бор.

Деҳқонларни ҳозирга қадар суғориш шохобчаларида сув йўқлиги қаттиқ ташвишга солмоқда. Афтидан, шўр ювиш ва яхоб бериш ишларини биргаликда олиб боришга ва уларни жуда қисқа муддатларда ўтказишга тўғри келадиганга ўхшайди. Ҳар бир деҳқон бу ишда шошма-шошарлик яхши натижа бермаслигини билади. Ерларнинг бир қисмида шўр ювишга улгурмаслик ҳам мумкин ва ўшанда барча қилинган ишлар бекорга кетади. Сув хўжалик ходимлари вилоятнинг асосий иншоотларидаги тўғонларни кўтарадиган пайт келди. Зотан, ўтган йили бу иш январь ойининг дастлабки кунлари қилинганди.

Ҳозир деҳқончилик кимёгарлари, бошқа мутахассислар аниқ-равшан мисоллар асосида маҳаллий ўғитлардан, экин майдонининг ҳар бир қаричидан яхшироқ ва ишнинг кўзини билиб фойдаланиш кераклигини тушунтирмоқдалар. Воҳа шароитида экинларни омилкорлик билан танлаш ва парваришлаш натижасида бир йилда икки марта ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун экин майдонларидан тез фойдаланишни ўрганиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар қилиш зарур. Нима ҳам қила олар эдик, деҳқонларимиз, ҳақиқатан ҳам ўз касбларининг сирларини яна бир бор эслашларига тўғри келар....

Колхозда ерлар барвақт шудгор қилинди, ўғит етарли даражада тайёрлаб қўйилди, деҳқонлар қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олишмоқда. Уларнинг кўпчилиги от-аравалар, шахсий автотранспортдан фойдаланадиган бўлдилар.

Колхоз идорасида деҳқонлар билан ўзаро фойдали шартнома ишлаб чиқилди. Шартномага биноан колхоз деҳқонлардан сабзавот, ем-хашак ва бошқа маҳсулотларнинг ортиқчасини сотиб олади. Буларнинг ҳаммаси келаётган ёз фаслида бозорларда нарх-навонинг анча пасайишига ишонч туғдирмоқда.

Ҳозир вилоятда колхозчиларга қўшимча ер ажратиш ишлари давом этмоқда. Хонқа, Гурлан ва Урганч ноҳияларида деҳқонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, уюшқоқлик билан иш олиб боришмоқда. Юз мингдан ортиқ оила ўз томорқа ерларини икки марта ва ундан ҳам ортиқроқ кенгайтирдилар. Улар эскидан фойдаланиб келаётган ерларнинг 12 минг гектарини ўз тасарруфларига олишди, бу эса бутун бир районнинг экин майдонига тўғри келади.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Хоразм вилояти.

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Андижон

КОНФЕРЕНЦИЯ арафасида Олтинкўл ноҳиясидаги 18-ўрта мактабда ғалати манзара юз берди. Комсомолга кириш истагини билдирган 30 нафар пионерга рад жавоби қилинди. Йўқ, уларда билим ҳам, қизиқиш ҳам кам эмасди. Энг муҳими, ёшлар иттифоқига ишонч ва эътиқод бор. «Бошланғич» ўз сўзида туриб олди. Ортга қайтиш улар учун юткашишдай гап эди. Ноҳия комсомол қўмитасидагилар-чи? Улар воқеага томошабин бўлдилар, холос. Боз устига бошланғичдагиларга қўшилиб чапак чалишди. Масалага вилоят комсомол қўмитасининг аралашишига тўғри келди.

Тан олиш керак, ҳали ҳанузгача айрим бошланғич комсомол ташкилотидагилар ўз қобиқларидан ташқарига чиқа олмаяптилар. Эътибор беринг-а: ҳисобот даврида вилоят комсомол ташкилоти ҳисобидаги комсомоллар сони 21312 нафарга камайиб кетди. Қандай баҳолаш керак? Балки бу сафларнинг сифат жиҳатидан яхшиланаётганлиги самарасидир?

Конференция бошланишидан аввал бир гуруҳ делегатлар билан давра суҳбати ўтказдик.

— Балки эриш туюлар, — таъкидлади Ленинск индустриал техникуми комсомол ташкилоти котиби З. Мамажонова, — ўтган йили бор-йўғи 18 нафар ёшни комсомол сафига қабул қилдик, холос. Айтмоқчиманки, айримлар комсомолга киришни истамай қўйишди.

Икки хил манзара: бирида кўнгиллилар бору, уларни йўлга солувчилар йўқ, иккинчисида эса... оқибатда фақатгина ўтган йилнинг ўзида 25 дан зиёд комсомол ташкилотида бирор киши ҳам комсомол аъзолигига қабул қилинмади.

— Очиғини айтиш керак, — кўнглини ёрди Хўжаобод ноҳиясидаги 36-мактаб ёш ўқитувчиси Бахтиёр Кўчқоров. — Ўзимиз ишлаб олмаяпмиз. Комсомолнинг ҳал қилувчи кучига ёшларни ишонтира олмаяпмиз. Айрим ҳолларда масалага мустақил ечим топиш ўрнига раҳбарларнинг измидан чиқмаяпмиз.

Мухбирлик экан-да, хизмат юзасидан жуда кўп хўжаликларда бўламиз. Комсомол ташкилотлари котиблари ақсарият ҳолларда маккажўхори ўрими мавсуми ёки «оғир» участкага боғланган бўлади. Етакчи комсомол ишини йўлламайди, дейсизми, йўқ, ҳайдайди, лекин буйруқбоз раҳбарнинг измидан чиқа олмайди. Узоққа бормайлик: ўтган йили Хўжаобод ноҳиясидаги К. Маркс ва Ҳамза номли жамоа хўжаликлари комсомол ташкилотлари котиблари М. Тожиддинов, Б. Қосимов, «Россия» жамоа хўжалиги ҳисоб шўъбаси мудири Т. Бегимқулова ойлаб консерва заводида қўшимча хўжалик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлдилар. Асосий ишдан ажралиб қолдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, етакчининг ўзида журъат етишмас экан, комсомол аъзоси қандай қилиб унга ишонч билдирсин. Шунда комсомол ўз обрўсини йўқотиб қўяяпти, деган гапларга жавоб топа олмай қоласиз.

Бой берилган обрўни тиклаш қийин. Комсомол-ёшлар аввалги йиллардагидек хайбаракаллачи етакчилар йўриғига жимгина эргашиб кетишмаяпти. Избоскан ноҳиясидаги «Партия XX съезди» жамоа хўжалиги комсомол ташкилоти котиби Хусниддин Очилов ёшлар истаги, талаби билан ҳисоблашмай қўйди. Ўзига билдирилган ишончни оқлай билмади. Ёшларни ортидан эргаштира олмади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида нима бўлди денг. Комсомоллар унинг баландпарвоз сўзларига маҳлиё бўлмадилар. Комсомол ташкилоти фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди. Фақат бугина эмас. Ҳисобот даврида 23 нафар ёш ўз обрўсини тўкди. Шубҳасиз, улар вазифаларидан четлаштирилди. Аммо бир нарса аён бўлди: қатъиятлилик кўрсатилмаса, иш олға силжимайди.

«Мени бир нарса қийнайди. Комсомол депутат сайлаш, делегат кўрсатишда кўп вақт бармоқ тишлаб қолган. ВЛКСМнинг аввалги съездига ноҳиядан сайланган делегат қарсак чалишдан бошқа нарсага ярамади.

Горький номли совхозда 400 га яқин йигит-қизни йиғдик. Делегат билан учрашув бўлиши керак эди. Вакилимиз ёшлар олдида жўяли бир гап айта олмади. Бунинг энг бош сабаби, қолипга биноан делегат сайлашда. Бизга дардимизни, ташвишимизни комсомол-ёшларнинг олий анжумани минбарига олиб чиқадиган делегат керак».

Бу сўзларни комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Абдували Болтабоев айтди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Кўп йиллар биз сайлаган делегатларнинг айримлари съездда қатнашган, пойтахт хушманзара жойлари-ю, ҳашамдор меҳмонхоналардаги кўнгилочар воқеалар ҳақида сўзлаб юришди. Бошқачароқ қилиб айтганда, съездда улар шунчаки қатнашиб қайтардилар. Энди аввалги даврлар кесилиб кетди. Кўзлар очилди. Ёшлар дарди, муаммосини елкасига олмайдиган делегат керак эмас.

* * *

КОНФЕРЕНЦИЯДА айтиладиган гаплар кўп. Вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби А. Обидқориевнинг ҳисобот маърузаси аввало вилоят газеталарида эълон қилингани ҳам бунга имкон берди. Ҳисобот маърузасининг жойлардаги муҳокамаси баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

«Вилоят комсомол ташкилоти қарор қабул қилади-ю, аввало уни ўзи бажармайди. Қолаверса, унинг бажарилиши учун бошқаларга ҳам йўл бермайди». Балиқчи ноҳияси комсомол қўмитасининг саркотибаси Матлубахон Ҳалилованинг мулоҳазаси ана шундай.

Вилоят комсомол ташкилоти ижтимоий аҳамиятга молик ишлар юзасидан қарор қабул қилди-ю, унинг ижроси ўлда-жўлда қолиб кетди. Аввалига жойларда дастлабки ишларга қўл урилди. Аммо қоғозбозлик ҳаммасидан устун келди. Қилинган ишлар юзаки, кўз-кўрсинга бўлди. Маҳаллаларда, турар-жойларда хайрли ишларга умид боғланганди. Лекин рўёбга чиқмади. «Юқоридагилар» қуйини «тозалади». Қуйидагилар баҳона рўкач қилишга тушдилар.

«Вилоят комсомол қўмитаси кунлари» одат тусига кириб қолди. Вилоят комсомол қўмитаси ходимлари шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталари бюролари мажлисларида, бошланғич комсомол ташкилотлари йиғилишларида, турли тадбирларда мунтазам қатнашмоқдалар. Маърузада қайд этилган фикрлар эътирозга сабаб бўлди. Тўғри, «Вилоят комсомол қўмитаси кунлари»ни ўтказиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганди. Ёшлар ўз ташвиш ва муаммоларини ўртага ташлашар, унинг ижроси эса алоқадор ташкилотлар зиммасига юкланарди. Инкор этиш қийин. Ҳаракат ғоят мақбул йўл эди. Лекин ўша эски «дард» қўмитани яна чалғитди. Иш чала қолди.

— Ўзи комсомолда қайси бир иш ниҳоясига етказилган?

— Комсомол қарорбозлик касалидан қутиладими?

Давомли саволларга жавоб излайсиз-у, масаланинг ечими топилмайди. Делегатларнинг сўровлари ҳақли эди. Бизга айтдиларки:

— Вилоят комсомол ташкилоти раҳбарлари, котиблари йиғинларимизга бирров боришади-ю, номигагина қатнашиб ортга қайтишади. Меҳнат коллективларида, ёшлар ҳузурида тез-тез бўлиб туришса бўлмайдими? Мутасаддилар бизларга яқинроқ бўлишади, кўнглимиздан нима кечаётганлигини яхшироқ англашади-ку?

«Қуйидагилар» билан «юқоридагилар» ўртасида кўринмас девор пайдо бўлаётганлигининг сабаби ҳам мана шунда. Ёшлар билан комсомол раҳбарлари ўртасидаги йироқликда.

КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ ишнинг олға силжишига тўсов бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Андижон, Ленинск шаҳарлари, Бўз, Избоскан, Комсомолобод ва Пахтаобод ноҳиялари комсомол ташкилотларида бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ташкилотлари котибларининг ҳар иккитасидан бири алмаштирилди. Шундай экан, котибларнинг ёшларни яхши ташаббусларга отлантира олиш қобилияти тўла намоён бўладими? Йўқ, ҳали уларнинг иқтидори чарҳланмай туриб, бошқа ишга ўтиб кетаяптилар.

Таънали, аччиқ, аммо бор гап: комсомол ғоҳида айримлар учун юқорига кўтарилиш учун поғона бўлиб қолаяпти.

Вилоят комсомол ташкилотидаги оғриқ нуқталардан бири — партия қўмиталари билан ўзаро муносабатлар масаласидир. Мақсадлар муштарак, аммо... икки ўртадаги ўзаро муносабат масаласи талаб даражасида эмас. Айрим жойларда комсомолга тўғридан-тўғри тазйиқ ўтказиш ҳоллари ҳам содир бўлди. Биргина мисол: айрим партия ходимлари томонидан комсомол тавсияномасининг берилишини тезлаштириш мақсадида қистовга олиш ҳоллари кузатилди. Баъзи жойларда эса комсомол умуман четлаб ўтилди. Вилоят комсомол қўмитаси бюросининг аъзоси Москва ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигидан Нафисахон Мадраҳимовага партия аъзолигига ўтиши учун комсомол тавсияномаси керак бўлмади. Бошқачароқ қилиб айтганда, партия ташкилоти комсомол тавсияномасига панжа остидан қаради. Унинг зарурати йўқ, деб баҳолади. Масалага ана шундай ёндашилар экан, партиявий раҳбарлик мазмуни қаерда қолади? Комсомолларнинг фикри ўзгармайди деб ким кафолот бера олади? Делегат Кўчқоров: «Биз партиянинг ўринбосари эмас, югурдаги бўлиб қолаяпмиз», — дея ташвишланаётгани ўринлидек туюлади. Комсомол ва партия ўртасида ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч асосига қурилган ғоявий ҳамкорлик зарур. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси вилоят қўмитаси билан қўшма пленум ўтказиш мақсади туғилди. Энди бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаш партия қўмитасига боғлиқ.

Конференцияда сўзга чиқувчилар минбардан комсомол ишидаги ғов бўлаётган муаммоларга ечим топиш учун фойдалана билдилар. Аксарият ҳолларда гапдонликка берилиб кетдилар. Айрим нотиқлар эса ўз ташкилотида, ноҳиясида ҳал қила олиши мумкин бўлган масалаларни ўртага ташлашди. Оқибатда айрим маърузачиларни минбардан «мажбуран» тушириш зарурати пайдо бўлди. Йиғилишни олиб борувчи масалани кўндаланг қўйди:

— Музокарада сўзга чиқувчи учун ажратилган вақтни беш минутга қисқартирамиз, — мурожаат қилди у. — Сўз сўраган делегатларнинг кўпроғи гапириш имконига эга бўлсин.

Вакиллар кенгаши йиғилишида мунозара учун вақт ўн минут қилиб белгиланганди. Шу боис залда норозилик пайдо бўлди. Айримлар очиқдан-очиқ қаршилик қилдилар. Овозга қўйилди. Яна бўлмади. Тўғриси, конференцияни олиб борувчи йиғилишни бошқара олмай қолди. Бирининг кетидан вазиятни юмшатишга уринди. Шундан сўнг саноқчилар ишга тушди. Овоз берувчилар бирма-бир санаб чиқилди. Балки ана шу йўқотилган вақт ҳисобига неча киши сўзга чиққан бўларди. Аммо бир нарса аён бўлди. Айрим делегатларда ҳолатни баҳолаш маданияти етишмади. Улар ўжарлик билан йўл тутишни афзал кўрдилар. Шу боис конференция кун тартибидаги масалаларни ҳал этаётганда ҳам оёқни бир ерга тираб туриб олишди. Улар кўпчилик бўлишса-ку, майли эди. Аммо озчилик кўпчиликка бўйсунишни истамади. Оқибатда асаббузарлик, беҳудага вақт йўқотишлар юз берди.

— Хўп қарсак чалишга ўрганганмиз-да.

ДИЛДА ҚОЛГАН ГАПЛАР

Хўжаобод ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси Мамлакатхон Исмоилованинг гапларига қўшилолмай иложи йўқ. Делегатлар минбардан туриб билдирган тўғри гапга ҳам ёки унинг акси — эътирозли фикрга ҳам қарсак чалавердилар. Буни қарсакбозлик эмас, лоқайдлик касали дея баҳоласа тўғри бўлур эди. Бу ваколат қоғозларини тасдиқ учун кўтаришда яна бир бор намоён бўлди.

Кун тартибидаги масалага овоз берилаётганда ёнимиздаги делегатдан сўрадим:

— Ўзи нима учун ваколат қоғозингизни кўтаряпсиз?

— Бошқалар ҳам шундай қилишяпти-ку, — деди у бамайлихотир.

Делегатларимизнинг айримлари ҳали ҳам масалага мустақил ёндаша олмаяптилар.

Залда эркин микрафонлар ўрнатилган эди. Лекин ундан унумли фойдаланилмади.

Делегатларда нотиқ М. Ҳалилованинг таклифи катта қизиқиш уйғотди:

— Даладаги меҳнаткаш аёлларимиз тақдирини ўйлаш керак, — сўзлади у. — Эртадан то қош қорайгунча кетмон чопишади. Қолаверса, рўзғор ташвиши, бола-чақага қараш. Ахир уларнинг жони темирдан эмас-ку! Балиқчи ноҳиясида шундай қилдик. Аёллар далага эрталаб соат 9 да бориб, кечки пайт 18 да қайтишади. Якшанба кунлари эса барча колхозчи учун дам олиш куни. Пахтакор ҳам бундай дам олсин.

Матлубахон минбардан туриб бу сўзларни шунчаки айтмади. Ноҳиядаги иш тартиби шундай. Ўзгалар ибрат олса арзигудек тажриба бор. Ахир энди деҳқон ҳаётини ўйламас эканмиз, дастурхонимиз тўкин, устимиз бут бўлмайди.

— Корхоналарда алоҳида ёшлар фонди бўлмас экан, кўпчилик қалта бўлаверади, — таъкидлади М. Исмоилова, — бундай фонд соф фойдага кўра юзага келади.

— Ташкилот фойда кўрмаса-чи? — савол берамиз ноилож.

— Шу фондга маблағ ўтказиб бориш орқали вужудга келтириш мумкин, — изоҳ беради у. — Ҳар ҳолда жамғарма бўлса, сўзлар ҳам дадилроқ бўлади. Мустақил ҳаракат қилиш мумкин.

— Ёшлар маркази дея жар соламиз-у, қайси бири талабга жавоб беради? — ўринли савол ташлади Дилшодбек Олимжонов. — Ҳозир кўпроқ турли хил фильмлар намойиш қилиш билан шуғулланишга. Аслида намойиш қилинаётган ленталарнинг кўпи тарбияга салбий таъсир қилаётир. Ёшлар маркази учун билимдон мутахассислар керак. Марказ қурилиш лойиҳалари учун конкурс ташкил этилса фойдадан холи бўлмайди.

Комсомол ходими Раҳимжон Усмонов жумҳурият халқ депутатлигига номзодлардан бири. У конференцияда сўзга чиқмоқчи эмасди. Аммо байналмилалчи-жангчилар ҳақида гап борганда жим туролмади.

Раҳимжоннинг ўзи Афғонистонда ўлим билан юзма-юз турган. Хизматдан қайтгач, Андижон шаҳар байналмилалчи-жангчилар кенгаши раислигини қўлга олди. У билан суҳбатлашсангиз фиғони фалакка чиқади.

— Афғонистонда ўлганларнинг номи абадийлаштирилади-ю, «афғон» жароҳати билан келиб, она-юртда жон берганлар эътибордан четда қолишса... Қани ҳақиқат, қани адолат?

— Собиқ «афғончи» Ёқуб Аҳмедовнинг ўлими — сўзида давом этди у, — унинг отасини адойи-тамом қилди. Ишга ярамай қолди. Онасининг ҳам топиш-тутиши рўзғорга етмайди. 7 боласи бор. Оила ночор. Бир хонада тиқилиб яшайдилар. Бормаган жойимиз қолмади. Ҳеч ким ён босмади. Охири вилоят комсомол ташкилоти қошидаги ёшлар бирлашмасига мурожаат қилдик. Улар собиқ жангчини ўз сафларига олишди. Эндиликда Ёқуб Аҳмедов бирлашманинг фахрий ишчиси. Унинг оиласига моддий ёрдам беріляпти.

Аслида-ку, арзимаган иш ҳақи хусусида гапириш ўз жонини фидо қилган жангчилар хотираси ҳурмати олдида эриш туюлади. Аммо уларнинг оиладаги аҳволини кўрсангиз юрагингиз эзилиб кетади. Вилоят комсомол ташкилоти байналмилалчи-жангчилар учун «Яшил боғ» қурмоқчи. Ёдгорлик ўрнатади. Хиёбон ташкил этади. Пуллик хизмат учун байналмилалчи-жангчилар вилоят кенгаши қошида 6 та «Волга» машинаси сотиб олмоқда. Пуллик хизмат кўрсатиш билан биргаликда марҳум жангчилар оиласи иссиқ-совуғидан хабар олиб турилади. Ҳозир қурилиш бригадаси тузилди. Ёрдамга муҳтож оилаларга имтиёзли хизмат кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси жароҳатлари билан қувонарли бўлиши шубҳасиз.

Сайёра Камолова конференциянинг энг ёш делегати. Юқори синф ўқувчиси. Унга сўз берилганида, юрагидагини тўкиб солди:

— Мактабда электрон ҳисоблаш машинаси ҳақида дарс ўтяпмиз-ку, лекин уни ўзимиз кўрганимиз йўқ. Иқтидорли ўқувчиларимиз бор. Улар ихтисослаштирилган махсус мактабларда ўқишни исташади. Аммо қани имконият? Биз қишлоқ болаларининг айби нимада?

Ҳақли сўровларга жавоб ҳам топа олмай қоласиз. Тўғри, вилоятда компьютер мактаби йўқ. Аммо янги ўқув йилидан хўжалик ҳисобидаги бирлашма қошида компьютерлашган синф очилади. Оз бўлса-да, ўқувчиларни замонавий техника билан таништириш имкони туғилади.

Қўрғонтепа ноҳиясилик ўқитувчи Аҳмаджон Усмонов ҳунар-техника билим юртларида ўқув-тажриба хўжалиги етишмаслигини гапирди-ю, асосий масалага тўхталмади. Ахир ҳисобот даврида вилоятдан РСФСР ҳунар-техника билим юртларига мингдан зиёд йигит-қиз юборилди. Сон кетидан қувилди-ю, унинг оқибатлари ўйланмади. Давлатнинг минг-минглаб маблағи ҳавога совурилди. Олис ўлкаларда ҳунарли бўлиб келганларнинг 80 фоизи ҳозир мутахассислиги бўйича иш топа олишмаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Конференция қарори ҳақида икки оғиз сўз. Унинг лойиҳаси вилоят газетасида эълон қилинди. Авваллари бундай йўл тутилмасди. Шу боисдан анжуманда делегатлар томонидан 70 га яқин таклиф ва истаклар билдирилди. Ўзгартишлар киритилди. Қарорда қайд этилган йўл-йўриқлар амалга ошармикин? Ахир у ҳажман 4 бўлим, 30 банддан иборат. Агар режалар рўёбга чиқса бормі?.. Бизнингча, қарор кўпроқ баландпарвоз гаплардан иборат бўлиб қолган. Балким ўнлаб ҳавойи режалардан кўра ҳаётга яқинроқ фикрлар олға сурилса яхши бўлармиди? Чунки вилоят комсомол ташкилотининг фаолияти амалий иш кўлами билан сарҳисоб этилади.

* * *

КОНФЕРЕНЦИЯДАН СЎНГ унинг қандай ўтганлиги хусусида делегатлар билан суҳбатлашдик.

В. ЕРМОЛАЕВ, Андижон шаҳар комсомол қўмитасининг котиби:

— Конференцияда делегатларнинг фаоллиги мени қувонтирди. Тўғри, улар айрим масалалар юзасидан бироз қизиқчилик қилишди. Аммо давр шуни талаб қилаяпти. Анжуманда қарсак чалиб кетаверишлик билан иш битмайди. Эътиборсизлик, конференциянинг биринчи кунида ўзгачароқ йўл тутиш керак эди. Делегатлар билан музейлар, тарихий жойларга юриш қилиш ўрнига уларнинг баҳс ёки мунозарасини уюштириш лозим эди. Фикрлар тераланиб, мақсадлар янада муштарак бўларди.

Б. ҚЎЧҚОРОВ:

— Мен вилоят комсомол ташкилотининг фаолиятини шартли равишда қониқарли деб баҳоладим. Сабаби, унинг ишидан ҳам қониқмадим. Авваламбор айтганимдек, анжуманда мафкуравий ишга кам эътибор берилди. Қолаверса, йиғинда сўзга чиқувчиларни чеклаб қўйишди. Вақтни қизғанишди. Конференция уч йилда бир марта бўлади. Делегатлар юракларидаги гапларини яна ўзлари билан олиб кетдилар.

* * *

ОРАДАН ИККИ КУН ЎТДИ. Конференция арафасидаги югур-югурлар, безовталик ва ҳаяжонлар ўрнини яна сокинлик эгаллади. Одатдаги иш кунлари бошланди. Вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Азизулло Обидқориев билан суҳбат қурдик.

— Конференция жиддий сабоқ бўлди, — сўз бошлади у. — Нималар қилишимиз керак, нималарга эътиборни қаратишимиз зарурлигини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйди. Ходимлар билан дастлабки йиғинимизни ўтказдик. Кўтарилган долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олдик. Енг шимариб ишламасак бўлмайди.

— Марҳамат ноҳиясидаги вакиллар айтишдики, вилоят комсомол қўмитаси бошланғични «ихчамлаштириш» ҳақида кўрсатма берибди. «Қуйидагилар»нинг мустақиллиги ҳақида гап бораётган кунда буни қандай тушуниш мумкин?

— Бундай кўрсатма бизники эмас, марказқўмдагиларнинг топшириғи. Ахир кейинги йилда давлат бюджетидан маблағ олиш (дотация) миқдори кескин камайтириб юборилди. Таъкидламоқчимизки, бошланғич ўзини маблағ билан қоплай олса, уни «ихчамлаштириш» истагимиз йўқ. Масалани мустақил ҳал этиш уларнинг ўзларига ҳавола.

Вилоят комсомол ташкилоти йўлкасидан кета туриб «Ниҳол» болалар театр-студиясининг раҳбари Достонбек Ғаффоровни учратдик. Иқтидорли ёшлар болалар театрини ташкил этиш йўлида бош урмаган жойлари қолмаган эди.

— Комсомол бизни ўз тасарруфига олди, — деди у, — маблағ ажратди.

Кўнглимиз кўтарилди. Комсомол ташкилоти амалий ишларга бел боғлабди...

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Ғ. АБДУЛЛАЕВ,
вилоят «Коммунист» газетаси мухбири.

Хорижддан хабарлар

РУМИНИЯ. Тарихга кириб қолган воқеалардан сўнг орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Чунки бу воқеалар мамлакат тараққиётида туб бурилиш бўлди. Лекин инқилоб шамоли ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина ижобий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Миллий нажот фронти кенгаши тиғиз иш олиб бориб, янги сиёсий тузилмаларни шакллантириш жараёнини ривожлантираяпти.

Бухарест кўчаларида жанглар тиниб, Руминиянинг бошқа шаҳарларида ҳам осойишталик ҳукм сурмоқда. Шаҳид бўлганлар — румин ватанпарварларининг хотираси ва истиқболга бўлган умидворлик кишилар қалбига жо бўлган.

СУРАТЛАРДА: шаҳарга кириш олдидан ҳужжатларни текшириб кўриш (чапда). Руминияга жаҳоннинг турли мамлакатларидан ёрдам тариқасида озиқ-овқат, дори-дармонлар, пул маблағлари келишда давом этмоқда. Констанца портида Италия Қизил Кресги томонидан жабрланган румин ватанпарварлари учун белгиланган юкларни тушириш пайти (ўнгда). **А. СОЛОВЬЁВ (ТАСС), АП — ТАСС суратлари.**





ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина президентининг қарорига биноан Умберто Ромеро мамлакатнинг янги миллий мудофаа министри этиб тайинланди. У қуруқликдаги кучлар бош штабининг бошлиғи Исидро Касерес билан келишмовчиликлар туфайли истеъфога чиққан Итало Лудеранинг ўрнини эгаллайди. Исидро Касерес ўзининг бевосита бошлиғини хабардор қилмай, яқинда олий ҳарбий қўмондонликнинг бошқа вакиллари билан биргаликда зиёфат уюштириб, унга жумҳурият президентини, шунингдек, ички ишлар министри ва бошқа расмий кишиларни таклиф этган эди. Мудофаа министри бундан фақат газеталар орқали хабардор бўлгач, устав талабларини бузганлиги учун генерал Касересга интизомий жазо чораси берди.

* * *

АҚШ президенти Жорж Буш Никарагуа оппозициясидан номзод Виолетта Барриос де Чаморронинг сандиночилар ҳукуматига қарши сайловолди курашида унга ёрдам беришга уриниб, мисли кўрилмаган қадам қўйди. У чоршанба куни демократлар ва республикачилар партиялари миллий комитетларининг раисларига мактуб юбориб, Никарагуа оппозициясининг сайлов кампаниясига пул билан ҳисса қўшишни илтимос қилди. «Мен оппозицияга имконият яратиш ва Никарагуа халқининг тотувликка асосланган ҳукумат тузишига имкон бериш учун ёрдам сўраб сизларга мурожаат қиламан», — деди Буш мактубда ва «вақт оз қолаётганлиги»дан огоҳлантирди.

◆ БОГОТА. Қўшма Штатлар наркотик моддалар ишлаб чиқарувчиларга қарши курашда Колумбия маъмурларига ёрдам бериб, айни пайтда мамлакатга Колумбиядан юборилаётган гулларга божхона солиғини ошириб, уларнинг куч-ғайратларига путур етказмоқда, Колумбия президенти Верхилио Барко чоршанба куни ана шу ҳақда гапирди. 1989 йилда Колумбия АҚШга 180 миллион долларлик гул экспорт қилган эди. Бу гуллар 35 мингта гул магазинларида ва Американинг 10 мингта катта дўконларида сотилган эди. Илгари АҚШ савдо министрлиги Колумбиядан келтириладиган гулларга божхона тўловини оширишга қарор қилган эди ва ўзининг бу қарорини Колумбиядан келтирилган гуллар бозор нархидан пастроқ сотилаётганлиги билан асослаган эди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ИШ ТАШЛАШДИ

ДЕҲЛИ. Пайшанба куни эрта тонгдан Ҳиндистон пойтахти чорраҳаларида одатдан ташқари сокинлик ҳукмрон. Эрталабки маҳаллий газеталарни сотиб юрадиган болаларнинг баралла овозлари эшитилмайди. Журналистлар, барча нашрларнинг бошқа ходимлари иш ташлаганликларини эълон қилдилар — улар иш ҳақи, нарх-наво ошганлиги муносабати билан тегишли қўшимча тўловлар кўпайтирилишини, оммавий ахборот органлари ходимларининг ҳуқуқларига оғишмай риоя этилишини талаб қилмоқдалар.

Бу галги можаро кутилмаган ҳол бўлди. Деҳлида салкам бир ойдан буён етакчи газеталардан бири — «Индиан экспресс» газетаси чиқмаяпти.

КАВКАЗОРТИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Кавказ ортидаги таҳликали воқеалар жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини тортмоқда, бу воқеаларни давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситалари батафсил шарҳламоқдалар. Ер юзи матбуоти региондаги мавжуд муаммолар тезроқ бартараф этилади, деб умид билдирмоқда ва совет раҳбарияти экстремистлар фаолияти пайини қирқиш учун кўрган қатъий чораларни жаҳон аҳли умуман тушуниб турибди, деб таъкидламоқда.

ИСТАНБУЛ. Туркия нозирлар кенгаши ўз мажлисида Озарбайжондаги воқеаларни муҳокама қилди, деб хабар берди Анатолий агентлиги. Мажлисдан кейин матбуот учун берилган баёнотда мавжуд муаммолар тезроқ ва тинч йўл билан ҳал этилади, деб умид билдирилди. Озарбайжондаги воқеалар, деб таъкидланади баёнотда, Туркия билан яхши муносабатда бўлган Совет Иттифоқининг ички ишидир. Ҳукумат шу боисдан тўқнашув жабрдийдаларига дори-дармон билан ёрдам беришни таклиф этди. «Жумҳурият» газетасининг хабар беришича, ҳозир АҚШда меҳмон бўлиб турган Туркия президенти Тургут Озал Озарбайжондаги мавжуд муаммоларни мулоқот йўли билан ҳал этишни ёқлаб гапирди. Шу билан бирга у бу Совет Иттифоқининг ички ишидир, деб таъкидлади. Туркия гиж-гижлаш позициясидан ўзини нари олади ва унинг рўй бераётган воқеаларни диққат-эътибор билан кузатиши СССР ишларига сира аралашиш эмас, деб ёзади газета ўзининг шарҳида.

Айни вақтда сўнгги кунларда Туркия парламентида «Туркия Озарбайжон халқининг тақдирига бефарқ қарай олмайди», — деган фикр-мулоҳазалар ҳам айтилди. Айрим депутатлар, гўё Бокудан олинган ахборотга таяниб, «Совет қўшинларининг ҳаракатлари натижасида инсон ҳуқуқлари ялписига бузилаётган вазият вужудга келди» деб даъво қилмоқдалар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҒАРОЙИБ ИСМЛАР

◆ ШВЕЙЦАРИЯнинг Золотурна шаҳрида яшовчи эр-хотин Эстер ва Леонард Шварценберглар кўп йиллар фарзанд тирноғига зор бўлиб юришди. Шукроналар бўлсинки, уларнинг ҳам пешонасига битгани бор экан. Бу қувончдан ҳаяжонга тушган Леонард (у гимназияда математикадан дарс беради) биринчи ўғлига, Катед, деб исм қўйишга қарор қилди.

Иккинчи ўғли туғилганда эса... ҳеч иккиланмай Тангенс, деб атади. Учинчи фарзанди — қизига ҳам яна математик исм беришга қарор қилишди. Шундай қилиб унинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасига Гипотенуза, деб ёзилди.

Ҳайриятки, тўртинчи фарзандларига бундай исм қўйиш насиб этмади — шаҳар мэри қарши чиқди. Болалар улғайишганда улар ўксимаслигига ким кафолот бера олади? Шунинг учун кенжа қизига Анна-Мари деб исм берди, дейилади «Нойе цюрихер цайтунг» (Швейцария) газетасида.

ҚУЛФБУЗАР РОБОТ

◆ ҲОЗИРГИ роботлар ҳам замонавийлашиб кетган. Қўлидан ҳар бало келади. Калифорния дорилфунунининг талабалари ясаган робот ҳатто пўлат сандиқларни оча олади.

У тажрибали қулфбузарларга ўхшаб, ҳар хил усуллардан фойдаланади: шифрланган қулфни бураб кўради, «шовқини»га қулоқ тутади. Тахминан бир ярим минутлардан сўнг эса ҳар қандай махфий рақамлар, шифрлар билан қулфланадиган пўлат сандиқларни очиб беради.

Бундай роботни талабаларга профессорлар буюртма беришди. Чунки улар ўз пўлат сандиқларининг ё шифрини ёддан чиқаришади ёки калитни йўқотиб қўйишади.

Бироқ патент бюроси уни янги ихтиролар рўйхатига тиркашдан воз кечди, деб хабар беради «Наука и техника» (Булғория) журнали. Чунки бундай робот ўғриларга қўл келиши мумкин.

«КЎЗОЙНАК ТАҚҚАН» ТОВУҚЛАР

Калифорниялик Рэндалл Уайз аслида компьютерлар ишлаб чиқарувчи фирма соҳиби эди. Лекин унга отасининг амалга оширолмаган орзуси тинчлик бермасди. Шунинг учун у бор нарсасини сотди.

Отаси паррандачилик фермаси хўжайини эди. У 60-йиллардаёқ паррандаларига кўзини хиралаштирувчи пушти рангли «кўзойнак» тақиб қўйилса, кам дон ейиш эвазига сертухум бўлишини тадқиқ қилган эди. Лекин ўша пайтда фан, техника тараққиёти бугунги даражада эмасди, қисқаси бу иш қимматга тушарди.


Мана энди Уайз отасининг армонларини ушалтирмоқда. У товуқлар учун «кўзойнак» ихтиро қилди. Ҳар битта «кўзойнак» бор бўйи билан 15 центга тушмоқда. Бир «кўзойнак»ни бир товуқ умрбод «тақади».

Ихтирочининг ҳисоб-китобига кўра «кўзойнак» келажакда ҳар бир товуқ озуқасидан 50 центлик «чегириб қолади, очиқроғи иқтисод қилади. Агар бу янгилик амалга оширилса, бутун Америкада бир йилда 600 миллион доллар фойда олиш мумкин.

Дарвоқе, 100 минг Америка товуғи ҳозир теварак-атрофга пушти рангли «кўзойнак» билан қарамоқда. Бу тажриба яқин орада катта фойда беришига Уайз қаттиқ ишонади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ





АЙРИ ТАҚСИМОТ

Жумҳуриятимиз партия-ҳукуматининг 1989 йил 15 августда граждалар ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш ва уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан қабул қилган қарори зўр қониқиш билан кутиб олинди. Халқимиз биринчи марта ўттизинчи йилларда деҳқончилик қилиш ва уй-жой қуриш учун давлатдан ер олган эди. Буни буюк инқилоб шарофати, деб баҳолаган эдик...

Наманган вилоятида қишлоқ аҳлига 11 минг гектардан кўпроқ ер тақсимлаб берилди. Уйчи ноҳиясидаги Ленин номли хўжаликда бугунгача 800 киши уй-жой қилиш ва томорқа учун ер олди.

— Биз даставвал одамлар билан маслаҳатлашдик, — дейди колхоз раиси Набижон Абдуллаев, — сўнг яқдиллик билан ариза берган ҳар бир оилага ўн сўтихдан ер ажратишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ҳозир шу асосда энг унумдор, деҳқончилик учун қулай, сув таъминоти яхши бўлган ерларни тақсимлаб беряпмиз. Айни пайтда йўл, суғориш тармоқларини чиқариш, бошқа зарур муаммоларни ҳам ҳал қилиб кетмоқдамиз. Ўнлаб ёш оилалар янги олинган ерларда уй-жой қурилишини бошлаб юбордилар.

Тўрақўрғон ноҳиясидаги Карл Маркс номли колхозда ҳам ер тақсимоти партия-ҳукумат қарори ҳамда социал-адолат принциплари асосида ташкил этилмоқда. Хўжаликда ёшлар турар жой комплексини барпо этишга тааллуқли муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Энди колхозчи ёшлар замонавий лойиҳа-смета асосида қурилган газ, иссиқлик системаси ва сув билан таъминланган ҳовлиларда истиқомат қилишади. Ҳар бир оила ўзига тегишли ўн сўтихли томорқада боғ қилиши, мева, сабзавот етиштириши, чорвачиликни ривожлантириши мумкин.

Задарё ноҳиясидаги кўконқишлоқлик II-группа ногирони Муродилла Каримов 7 нафар фарзанди билан 4 сотихли тор ҳовлида тиқилиб яшамоқда. У шароитининг ночорлигидан молхонанинг ярмини болаларига жой қилиб берган. 12 йилдан бери «Ленинград» колхози раиси Ҳ. Мамажонов, Калинин қишлоқ Совети раиси К. Раҳмоновга қабулига қатнайди. Бироқ унинг аризаси ҳалигача ҳал этилмаяпти.

Биз М. Каримов турмуш тарзи бўйича ноҳия ижроия қўмитаси раиси Анваржон Камолов билан суҳбатлашамиз.

— Ҳозир бизга 13 мингдан кўпроқ одам уй-жой қилиш ва томорқа учун ариза берган, — дейди у. — Ҳаммасининг аҳволи ҳам М. Каримовникидан қолишмайди. Буларнинг қайси бирига ёрдам бериш керак?

Бизнингча уларнинг ҳаммасига ёрдам кўрсатмоқ лозим.

Ноҳиядаги Свердлов номли колхознинг Урта Ровустон қишлоғида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветерани Мамажон Раҳмонов ҳовлиси ёнига қурилиш-монтаж бошқармаси келдию тинчи бузилди. Бошқарма ва Свердлов номли колхоз раҳбарлари отахонни авраб-алдаб 15 сотихли боғрогли жойига автогаражни кўчириб келтирдилар. Мамажон отага эса адирлик жойдан 12 сўтих ер кўрсатишди. Бутун умрини уруш йўллари ва меҳнат шуъбасида ўтказган ветеран илтижолари колхоз раиси Д. Маллабоевнинг асло кўнглини юмшатмаяпти.

Жумҳуриятимиз партия-ҳукумати қарорида хўжаликлар шароитига қараб одамларга 25 сотихгача ер бериш мумкин, деб кўрсатиб қўйилган. Раҳбарлар ундаги «Ер шароитига қараб» деган сўзни маҳкам ушлаб олиб, уй-жой ва томорқа учун ер беришнинг нормаларини ишлаб чиқдилар. Аксарият жойларда олти сўтихли норма белгиланган. «Коммунизм», «Қизил Байроқ», Ленин номли колхозларда бундай адолатсизлик одамлар томонидан норизо кутиб олинди. Улар олти сўтихдан ер олишдан бош тортдилар.

Яқинда Энгельс номли колхоз раиси А. Иномова Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи 32 киши номидан ариза тушди. Бунда одамларга олти сўтихдан ер берилаётгани, бу ҳам асосан заҳкаш, деҳқончилик қилиш учун нобоп эканлиги баён қилинган.

Биз ана шу аризага имзо чекканлардан бири, 27-ўрта мактаб ўқитувчиси Баҳодир Дадабоев билан суҳбатлашдик. Баҳодир — байналмилалчи-жангчи.

— Биз бир хонадонда 13 нафар киши истиқомат қиламиз, — дейди у. — Яшаш жойимиз талабга жавоб бермайди. Аризамизга кўра, бизга 6 сўтих ер ажратишибди. Бу бир оилага нима бўлади? Унга уй-жой қиламизми, томорқа хўжалиги юритамизми, билмаймиз. Бу ёқда оила кенгайиб боряпти. Болаларнинг эртанги кунини ҳам ўйлашимиз керак. Лекин раҳбарлар бу ҳақда қайғуришмаётгани одамни ажаблантиради. Кейинги пайтларда Хонобод қишлоғи ерларининг мелиоратив ҳолати тубдан ёмонлашди. Заҳкаш ва коллекторларнинг вақтида тозалаб турилмаслиги оқибатида ҳовли-жойлар, томорқа ерларидан ҳам зах чиқиб кетди.

Бизга ҳамсуҳбат бўлган Б. Дадабоевнинг айтишича, ҳатто зах сувлари уйларнинг ичида бор, айвондан кичкина ариқчалар очиб кун кечиришмоқда. Бу деҳқончилик қилишга салбий таъсир этяпти, биноларнинг тезда ишдан чиқишига олиб келмоқда.

Хонобод қишлоқ Советида яшовчи аҳоли қўлида экинга яроқли 204 гектар ер бор. Колхозники эса минг гектарга яқин. Шундай шароитда ўтган йили аҳолининг ёрдамчи хўжалигида 302 тонна, колхозда 91 тонна гўшт, шунга мос равишда сут 1209—455 тонна, тухум 3 миллион—131 минг дона, узум 525—22 тонна, сабзавот 750—61 тонна етиштирилди. Фарқи осмон билан ерча. Агар ер тақсимоти адолатли ҳал этилса, аҳоли томорқасида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори яна ҳам кўтарилади.

Лекин мана шу оддий ҳақиқатни ноҳия партия, совет ташкилотларидаги раҳбарлар ҳис этишмаётгани чиндан ҳам ташвишлидир. Комсомол-ёшлар ўзларининг ўтган йили декабрь ойида бўлган конференцияларида бу ҳақда ташвиш билан гапиргандилар ва ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби А. Қаҳҳоров, бюро аъзоларини принципсизлик ва журъатсизликда айбладилар.

Янги йилнинг ҳам биринчи ойи ўтиб боряпти. Лекин ноҳиялардаги хўжаликлар ер тақсимотини кенг, дадиллик билан олиб боришмаяпти.

Йўлдош ЭГАМБЕРДИЕВ.



Бизнинг номзодлар

ЕТАКЧИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Зуҳранинг бажарадиган
юмушлари бошидан ошиб
ётибди.
Ҳозирги ёшларни унча-мунча
гап билан алдаёлмайсан.
Ишни эплаёлмасанг,
аяб ўтиришмайди.
Суянчиғи ҳам бир пул
улар учун.
Биз гоҳ тан олиб,
гоҳ тан олмаётган
давримиз
кўзимизни мошдек очди,
оқ-қорани таниб,
яшашни ўрганяпмиз.
Ёшлар-ку,
анча илгарилаб кетишди.
Зуҳра буларнинг барисини
англаб,
фаҳмлаб турибди.
«Правда» совхози —
йирик хўжалик,
ташвиши, муаммолари ҳам
кўп.
Етакчи бўлганингдан
кейин
ёшларнинг унумли меҳнат
қилишлари учун
шарт-шароит яратиш
ҳақида ҳам
қайғуришинг даркор.
Бундай ишларни
амалга ошириш учун
иродaнг — метин,
қадамларинг дадил
бўлиши керак.
Зуҳра, озми-кўпми,
нимаики зарур бўлса,
қўлидан келганча
бажараяпти.
Ёшлар унга ишонишади.
Мана,
яқинда — қишлоқ Совети
депутатлигига унинг
номзодини
кўрсатишди.
Энди вазифалар
яна кўпаяди, масъулият
ортади.
Етакчи бўлиш ҳам
осон эмас.

СУРАТЛАРДА: Ильич ноҳиясидаги «Правда» совхози комсомол қўмитаси котиби Зуҳра Князова.

Е. БОТИРОВ суратлари.

Жумҳурият янгиликлари

● ИККИНЧИ йўл фойдаланишга топширилиши туфайли Меҳнат-Жиззах участкасида поездлар қатнови жуда кўпайди.

Ўрта Осиё темир йўлининг ана шу қисмида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қаршига поездлар қатнайди. Лекин темир йўл изининг бир томонлама бўлганлиги йўловчилар тушган ҳамда юк ортилган поездларнинг кўпроқ қатнашига имкон бермасди. Шу сабабли составлар кўпинча бошқа йўл орқали айланиб ўтишар, қимматли вақтни бой беришар, ортиқча ёнилғи сарфлашарди.

Юк ортилган поездлар янги из орқали белгиланган ерга 12 соат олдин, пассажир поездлари эса икки ярим соат олдин етиб келмоқда. Иккинчи йўлни «Самарқанд трансстрой» тресги билан темир йўл бошқармаси йўл қурилиш-монтаж тресги бинокорлари ётқиздилар. Энди бу участка электрлаштирилади.

● ҒЎЗАПОЯ, канол пояси, бошқа техника экинларининг чиқиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Янгийўл мебель фабрикаси мутахассислари ана шу хом ашёдан енгил ва мустаҳкам плиталар тайёрлашди. У мебель ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Аввал ёқиб юбориладиган хом ашёдан фойдаланиш натижасида корхона ҳар йили ўнлаб кубометр камёб ёғочни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Янгийўл мебель фабрикасида тубдан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Цехларга хориждан сотиб олинган ускуналар ўрнатилмоқда, қўл меҳнатига барҳам берилмоқда. Лак ва бўёқларни керакли ерга етказиб бериш муаммоси ҳам ҳал этилган: бу нарсалар иш жойларига қувурлар орқали келади.

Буларнинг ҳаммаси коллективга янги технологияни жорий этишга, маҳсулот турларини янгилашга имкон беради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА НАВОИЙ НОМИДАГИ ВА ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари комитети Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги 1990 йилги Давлат мукофотларини олиш учун ишлар 1990 йилнинг 1 июлигача қабул этилишини маълум қилади.

Мукофотга даъвогарларни кўрсатиш ва улар материалларини расмийлаштириш чоғида Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981 йил 14 июнда тасдиқлаган қарорга асосланиш керак.

Даъвогарларни кўрсатиш ва материалларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 98-уй. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари давлат комитети.

Телефонлар: 458326, 458520.

Ёшлар ижоди



Ҳулкар Тўйманова Самарқанд вилоятининг Қўшработ ноҳиясида туғилган. 1986 йилда Тошкент дорилфунунининг журналистика факультетини тамомлади. Ҳозирги пайтда жумҳурият «Ўқитувчилар газетаси»да хизмат қилади.

Ҳикоялари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.



(ҲИКОЯ)

Йўлдошали эшикни ёпиб, тўртинчи қаватдан тушди; хотинининг кенгфеъллиги қурсин, чой ичиш ярим соат, пардоз-андози ярим соат, уни ишдан кечикади, деб ўйламайди, ўзининг иш вақти соат ўндан-да. Йўлакка кираверишдаги оловранг «Жигули»ни оҳиста очиб, ғуборсиз бўлса ҳам, олд ойнасини артди, радио мурватини бураб «Машъал» тўлқинини топди, дилрабо қўшиқ — «Ёр келади» янграрди. Тарона кайфиятидаги асабийликни ҳайдади, мусиқанинг дилбар оҳанглари аллақандай ширин ҳиссиётга кўмарди. У беихтиёр калласини куйга монанд ликиллата бошлади. Афсуски, бу завқланиш узоқ давом этмади. Қўл соатидан ёқимли занг чалиниб, алланимадан огоҳ этди, роппа-роса тўққиз ярим бўлган эди. Хотини етиб келгунча камида ўн минут кераклигига шак келтирмай, машина сигналини устма-уст босди, тўртинчи қават ўнг томондаги болохонада на хотини, на болалари кўриниш берди.

—Жин урсин!—деди хуноби ошиб, яна сигнални тўхтовсиз босиб турди: бип-бип-би-и-п-п! Ниҳоят, болохона-деразасидан сочи ёйилган бир париваш бўй кўрсатди. Йўлдошали бир зум ҳуши оққандек анграйиб қолди, унинг жаҳли қанчалик тез чиқса, шунчалик тез босилар, бу ўзгарувчанликни кўп ҳолларда бир томонга барқарорлаштиришга уринса-да, уддасидан чиқолмасди. Мулойимфеъл ёки жаҳлдор бўлиш керак, бирдан ёниб, бирдан ўчиш эркакларга хос қилиқ эмаслигини ҳозир ҳам ўйлади-ю, ҳалиги маҳлиёлигини мажбурий равишда йўқотишга ҳаракат қилди ва бақирди:

— Бўлларинг-да, энди, ахир! Тоқатим тоқ бўлди-ку, ишга кечикяпман!

Танбеҳи фойда берди, хиёл ўтгач, бир-бир босиб, атлас кўйлакда товус мисол товланиб, мушку-анбар таратиб, икки боласини етаклаб келаётган хотинини кўрди-ю, Йўлдошалининг қаҳри ўз-ўзидан йўқолди. Ақида жонон қизлардек нозланиб турар, қирмизи бўёқ сурилган лаблари қимтинган, икки юзидаги чиройли кулгичлар, оҳ, ҳар қандай эркакни ўтга соларди. Бунинг сабабини фақат пардоздан эмас, балки уни хурсанд этгулик воқеа юз берганидан излаш асослироқ эди. Бир ўрим билакдек қоп-қора, ғайир сочлари орқасида тўлғонарди. Хотинининг шу қиёфада бегона эркаклар билан сўйлашиши, чақчақлашишини ўйлаб, Йўлдошали ҳаёлан рашк ўтида қовурилди. Йўлдошали унинг толим-толим сочларига ошиқ бўлиб, уйланган.

— Жа-а, пардоз-андоз жойида-ю, — деди Йўлдошали ичини нимадир тирнаб, хотини болалари билан машинага чиқиб ўтирганида. — Нима, бирор маросим борми!

— Йў-ўқ, нимага, адаси! Ҳар доимгидайману, фақат кўйлагим янги, сочимни ташлаганман, шунга бошқачароқ кўринаётгандирман! — Ақида машинанинг ичкари ойнасидан эрига бир қараб, кўчага юзланди.

Йўлдошалига хотини қандайдир сирни яшираётгандек бўлди, ҳалиги рашк энди шубҳага ўрин алмаштирди. У хотини бошқа соҳада ишлашидан кўп маротаба афсус чеккан. Оилавий муҳаббатни рашк ва шубҳа таъқиб этиб турмаса, эр ёки хотин ўз жуфтига содиқликни унутиб қўйиши, фавқулодда бир вазият туғилиб, шайтон йўлдан оздириши, кейин бунинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслиги ҳақида Йўлдошали ўзидан кўра хотини кўпроқ ўйлашини истарди. Ҳар ҳолда Йўлдошали хотинининг ҳам ўзидай сипо, вафоли бўлишини, ақл-мулоҳаза билан иш тутишини истайди. Анча вақтдан бери соч кестиришга ҳавасманд. Мода эмиш, факультетларидаги аёл домлаларнинг аксарияти сочларини европача қилиб қирқтирганмиш. Йўлдошали икки дунё бир келганда ҳам Ақиданинг узун, майин ва қалин сочлари бўйни узра кесилиб, думи юлинган товуқдек бўлиб юришини хоҳламайди. Сочидан жудо бўлганлар бари аҳмоқ, ўзбекмисан, ўзбеклигингча қол, шу модани ўйлаб топганнинг уйи куйсин-да. Қиз-жувонлар эркакчасига соч қўйишяпти, замон айнияптими, эркакми, аёлми, билиб бўлмай қолди. Йўлдошали кўча-кўйда сочини ортиқча бежамсиз турмаклаб ёки ташлаб қўйган аёлларни кўрса, ҳозирча хотини ҳам шулар сафида эканлигидан кўнглида хотиржамлик топарди.

— Уф-ф, ўлгур бўш ўрганимдан тарқаб кетди! — Ақида жойида бетоқат қимирлаб, тағин сочини қарғади. Ўрса, кўнгилдагидек чиқмаслигини билиб, сумкасидан қисқичлар олиб, турмаклади. — Охири қирқтираман, жуда жонимга тегди!

— Бекорнинг бештасини айтибсан! — деди Йўлдошали ўзини зўрға босиб, хотинига машина ойнасидан назар соларкан. Ақиданинг юзида қатъий қарорга келгани зоҳир эди. Йўлдошали хотини билан айтишишдан-ку чўчимасди, аччиқ устида сартарошхонага кириб, орзусини амалга ошириши мумкинлигидан хавфсирарди. Шунинг учун дағаллигини йиғиштирди, ваъзхонлик қилишга ўтди:

— Шу туришинг қандоқ чиройли, онаси! Ахир соч ҳам бир ҳусн-ку, қайтага қирқтирсанг, хунук бўлиб қоласан! Сени шундан бошқача қиёфада тасаввур қилолмайман!

— Сиз айтган миллийлик замонавийлик билан ҳам қоришиб кетиши керак, намунча тор фикрлайсиз! Факультетда қишлоқига ўхшаб, битта мен қолдим, қари вахтёр кампирни ҳисобга олмаганда! Ҳамма мени мазах қилаётгандай бўлади. Бас, қирқтираман дедимми, қирқтираман!

— Агар билсанг... сочи калталарни калака қилишади! Олдинги замонда қизлар сочини майда ўришаркан, аёллар иккита қилиб ташлаб қўяркан, соч қирққанлар на қиз, на жувон, на эркак! Толим-толим сочларингни жувонмарг қилиш гуноҳ-ку! — Йўлдошали машинани муюлишга етганда тўхтатди. Чап томондаги эски ғиштин бино — ҳуқуқшунослик факультетида хотини ишлайди. Ақида хўмрайиб, машинадан тушди, ўғилчаларини ҳар кунгидек ўпиб хайрлашмади, эшикни зарб билан ёпиб, тушди. Йўлдошалининг юзига хотини тарсаки туширгандек бўлди, ўғилчалари «хайр!» дея қўл силкиганча қолдилар. Ҳали уларни Дархондаги боғчага топшириши кераклигини ўйлаб, тезликни оширди. Кўчаларга сув сепилган, қуёш кўтарилиб, чор-атрофни ўз нурига кўммоқда эди. Агар бир нафас кузатиб турилса, бу улкан ва гавжум шаҳарда яшовчиларнинг бир-бирига нисбатан ўта бепарволиги ва ҳар кимнинг ўз ташвишида куйманишини илғаш қийин эмас. Машиналар оқимида сузиб кетаётган Йўлдошали гарчанд шаҳарда туғилиб ўсган бўлса-да, ҳозир бу қадрдон гўшани тарк этиб, дашту далаларга кетгиси, бутун ташвишлардан холи бўлгиси келарди. Агар шу дафъада Ақиданинг қора, силлиқ сочларини силашга муваффақ бўлганида, эҳтимол кўнгил ғуссалари тумандек тарқаб кетарди. Бинобарин, дилини хуфтон қилиб турган нарса ҳам шу соч эди. Модага кўр-кўрона эргашувчилар афсуски, баъзан қуюшқондан чиқиб кетишганини, табиийликни ўта жўн ва юзаки тушунишларини у доимо алам билан эътироф этарди. Аслида Ақидани мода қули деб ҳам бўлмасди-ю, барибир замонадан орқада қолгиси келмаётгани рост эди. Нима бўлганда ҳам уни бу йўлдан қайтариш Йўлдошалининг зиммасига тушар, шу боис мумкин қадар ён бериши, кўнглига қараши керак. Акс ҳолда Ақида ҳам тўнини тескари кийиб олиб, айтганини қилиши, сўнгра оила қўрғонига дарз кетиши мумкин.

Орадан ҳафта ўтиб, соч ҳақидаги можаро сал унутилай деганда, Ақида ходимларидан бири ўғил уйлантираётгани айтиб қолди. Яъни тўйга рухсат сўради. Айтилган жойдан қолиш керак эмас, аммо келаётган шанба оқшомида у ҳам кўп қатори бош врачникига бориши керак, агар майли деса, Ақидани ҳам олиб бормоқчи эди. Нафсиламбирини айтганда, у хотини билан қўлтиқлашиб юришни ёқтирмас, сабаби бир-икки ўтиришда Ақида унинг ичишини таъқиқлаб, кўпнинг олдида изза қилган эди. Бу сафар Зарифжоновникига ҳамма рафиқаси билан ташриф буюриши аниқ бўлиб, у битта ўзи сўппайиб кириб борса, шивир-шивирга қолиши мумкин эди.

— Кундузи борилса бўлмайдими? — деди Йўлдошали муроса оҳангида. Иккиси икки ёққа кетадиган бўлишса, Ақидани билмади-ку, у меҳмондорчиликда ўзгалардай хуш-хандон ўтиролмайди. Ақида тўй базмида кимлар билан қадаҳ уриштиради, ким билан ҳазил-ҳузул қилади ва йўрғалаб, ким билан ўйинга тушади, шуларни ўйлаб, юраги алланечук гидирга тўлди.

— Кундузи битта ўзим яккамоховга ўхшаб бораманми? Айтилган вақтга бориш керак-да! — деди Ақида камонсимон қошларини чимириб.

Бир жиҳатдан олганда, хотини ҳам ҳақ, розилик барса-бермаса Ақида тўйдан қолмайди. У ҳолда болаларни кимга қолдириш керак, бирор яқини бўлганда ҳам майлийди. Қайнонаси ўлгудай шаддод, керилма хотин, аввало Ақида бошқа тўйга, куёви бошқа ўтиришга кетаётганини эшитмасин. Қизи қолиб, Йўлдошалига қарғиш ёғдиради. Бас, Ақида тўйга боришни хоҳлайдими, болабоғча бўлишга унинг ҳам имкони йўқ, иложини ўзи топсин. Бошқалар бормаса, Зарифжонов хафа бўлмас, лекин ихлос қўйган одами ташриф буюрмаса, ким билади, кейинги муносабатлари қандай кечади. Йўлдошалининг аллақандай юбилей кечасига боришини эшитган Ақида бобиллаб берди:

— Ордона қолсин, ҳар йили туғилган кун нишонларди, бу йил юбилей экан-да!


Йўлдошали шанбагача ич-этини еб юрди, аммо Ақидага бурнидан баланд гапиришдан чўчиди, соч машмашасини бошламаслиги учун, албатта. Аммо барибир гоҳ-гоҳ Ақида ойна рўпарасида туриб олиб, «жонга тегди» деб бегуноҳ сочини юлиб-юлиб тарар, эгнига илашган толаларни териб олар, юмалоқлаб ахлат челакка ташларди. Бундай пайтда унга бир оғиз гапириб бўлмайди.

Шанба куни эрталабки нонуштадан сўнг Йўлдошали ишга бирров ўтиб келаман, деб Ақидани алдаб чиқди-ю, қайтиб борса, худди қўл-оёғи боғланиб қоладигандай, машинасини мақсадсиз равишда ҳар томонга ҳайдаб сангиди. Бугун дам олиш куни,


(Давоми 4-бетда).

«Камалак» шоу

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Ёшлар ижоди



С. Очилов 1972 йилда Хоразм вилоятининг Урганч ноҳиясида туғилган. Тошкентдаги 112-ўрта мактабда таҳсил олди.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

ЭРТАКЛАР

Недандир кўнглим ғаш бўлганда
баъзан,
Менга ҳамроҳ бўлди қадим
эртаклар
Сидириб олганча қайғуни дилдан,
Эзгуликка улар аста етаклар.
Эртаклардан келар ҳаёт нафаси,
Бироқ, эртакларда ўзгача дунё.
Туғамайди эртак (ботир наърасн),
Қора кучлар таслим бўлмагунча то.
Ҳаёт эртак эмас, бермасин сабоқ,
Ҳар куйга соларкан мудом
инсонни.
Эй, оқ кўнгил инсон, атрофга
бир боқ,
Билгил, йўқотгандир кўплар
имонни.
Тайёрман,
Айланай ўлик заррага,
Тайёрман кўксимни чок-чок
этмакка.
Қани энди ҳаёт, майли лаҳзага
Айланиб қолсайди ажиб эртакка!

ТИРИКЛИГИМ БОИСИ

Яна дилда ширин ҳислар уйғонар,
Бепоён она юрт очганда чирой.
Бунчалар беғубор, бунчалар гўзал,
Гўё имлаб турган осмондаги ой.
Юртим, тикиламан мовий кўкингга,
Сўқланиб қарайман боғларингга
ҳам.
Булбуллар гулзорда қилсайди
хониш,
Сукут сақлаганча тинглардим
ҳар дам.
Гавҳару зар сенга тенг келмас
асло,
Она юртим, қалбда меҳринг
бебаҳо.
Ўйлаб-ўйлаб сени, сураман хаёл.
Ухлаб, ажиб тушлар кўраман
гоҳо...
...Қаноти қайрилган қарчиғай гўё,
Кўкка тикилганча чекади фарёд.
Улкам, фазо дебон яшайди, зеро
Юртим, фақат сенинг учун мен
ҳаёт!..

* * *

Йўлда кетмоқдаман қайғу-ла
ёлғиз,
Ташвишли ёғмоқда ёмғир ҳам,
ҳайҳот.
Бас, ёмғир, қайғуга чидолмам
ҳаргиз,
Лек қалбим ярасин ювгайсан
наҳот.
Замин ғуборини ювиб кетгайсан,
Қодирсан борлиқни сафо этмоққа.
Бироқ, минг афсуски, қодир
эмассан,
Қалбдаги ғуборин ювиб кетмоққа.

Сарвар ОЧИЛОВ.



Навбатда туриш... Мамлакатимиз пойтахтида унинг нима эканлигини жуда яхши билишади. Айниқса, шаҳарнинг марказий қисмидаги кўчаларда жойлашган магазинлар, савдо расталари олдида навбатга турмасдан бирон нарса харид қилишимиз маҳол.

Сиз суратда кўриб турган қизларнинг табассумлари бежиз эмас. Улар энг мазали музқаймоқни олишга муяссар бўлишди. Ахир Москвада бу ҳам омад саналади-да.

Б. КАВОШКИН сурати.
(ТАСС сурат хроникаси).

(ҲИКОЯ)

(Боши 3-бетда).

санаторийда фақат навбатчи ходимлар ишлашади. У уйга қайтиш ҳақида ўйламас, бир йўла Зарифжоновникига кириб боришни мўлжалларди. Хотини унинг таклифига кўнмадими, ўзи билгандай иш тутсин, ўша ходимникига бормай, у билан Зарифжоновникида ёнма-ён ўтирса, қандоқ соз бўларди. Болаларни кимга ташлашидан ҳам Ақиданинг бегона хонадондаги базми-жамшидга интилаётгани уни ташвишга солар, ғалати тарзда тишларини қайрарди. Эр, кишики, хотиннинг ройишига қараб иш тутдими, оилада унинг ҳокимлиги йўқолиб боришини Йўлдошали керагидан зиёд тушунарди, аммо унинг истагига қарши ўлароқ Ақида ҳам рўзғор муҳитида ўзига хос мавқега эга бўлиб, Йўлдошалининг айтганига кўнавермасди. Ҳозирча Йўлдошали соч бобида Ақидага воизлик қилиши фойда бераётганидан дили таскин топар, айни пайтда Ақидани шайтон йўлдан оздирадиган кун умуман келмаслигини худодан ўтиниб сўрарди. Назарида, бундан кейинги турмушларининг тинч-тотув, мўътадил кечиши Ақиданинг сочларига боғлиқдай эди. Зотан, кўча-кўйда юриб, қизжувонларнинг биринчи галда сочига эътибор берар, агар мабодо ёнларида эрлари бўлса, қандай муомала қилишларига жуда қизиқарди. Лекин Йўлдошали ўзи ўйлаганчалик даражадаги зўраки ва ҳиссиз муносабатни эр-хотинлар орасида кузатишга муваффақ бўлмасди. Оқибатда аёлларнинг соч қирқишига йўл қўйган эркакларни ичида боплаб сўкарди.

Йўлдошали Зарифжоновникида ҳам бундай кўнгли очилиб ўтиролмади; Ақида нима қилди экан, худо кўрсатмасин, алам устида сартарошхонага бориб, сочини итальянчасига кестирган бўлса-я. Мумкин, кўза кунда эмас, кунида синади. Йўлдошали уйига бормай, аҳмоқлик қилганини кайф аралаш идрок этишга қодир эмасди. Сочи эркакча қилиб қирқилган ҳамшира қиз даврага тушиб, хўп муқом қилавериб, Ақидани эслатиб қўйди.

«Айбдор» учун безатилган тўкинсочин, ораста дастурхон ярим кечага бормасдан пала-партиш, бетартиб бўлиб қолди. Меҳмонлар ҳам ширакайф бўлишиб, айримлари тоза ҳаво олиш учун ҳовлида айланиб юришарди. Йўлдошали эса буркситиб сигарета тутатар, жиннилик қилганини ўйлаб, дилтанг бўларди. Уйга боргани дурустмиди. Ҳар ҳолда Ақида уни ушлаб қолмасди, балки ялинса, Зарифжоновникига келишга рози бўлармиди. Болаларни онасига топширдимикан ёки тўйга бормасликни лозим кўрдими? Ишқилиб, онаси майли деган бўлсин, акс ҳолда феъли айниб, сочини қирқтирса, бор барака.

Йўлдошали тун ярмидан оққанда рухсиз алпозда машина рулини орқада ўтирган аёлларнинг илтимосига биноан Эски шаҳар томон ҳайдади. Бирга ишлашади, йўқ деёлмади. Уни хаёли ҳар томонга олиб қочар, бу алағдаликни шерикларига сездирмаслик пайида бўлар, ҳар замонда суҳбатга қўшилиб, ўз муносабатини билдириб қўяр, сирасини айтганда, Ақида худди қиз пайтдагидек оромини ўғирлаган, бу беҳаловатлик яхшилик аломати эмасди.

Эшик қўнғироғи учинчи марта ҳам жавоб бермагач, билдики, Ақида қасдма-қасд никоҳ оқшомига кетган. Боргани ҳам дуруст, дея ўйлади у ва эшикка калит солиб, очди; коридор нимхол ёруғ эди, оёқ остидаги пол латта ҳўл бўлгани учун шилпиллаган товуш чиқди. Ўғилчаларининг енгил оёқ кийимлари ва хотинининг ялтироқ пойафзалини зўрға кўрди. Демак, Ақида тўйга бормаган, борганда эди, қайтаётиб опасиникида тунаб қолган бўларди.

Йўлдошали нимадандир ҳадиксираб, ётоқхонага ўтди, чироқни ёқмади. Деразадан тушаётган кўча чироғининг шуъласи хонани етарли равишда ёритар, чоғроқ тўшакнинг девор томонида икки ўғилчаси, берида эса хотини чўзилганди. Ақида шарпани сезгандай, устидаги чойшабни инграб очиб юборди. Йўлдошали бир лаҳза ҳайратланиб қараб турди, Ақиданинг сочлари қирқилганга ўхшади ё унга шундай кўриндими? Шундай бўлмаслигини ич-ичидан истаб, қўллари қалтираб, оҳиста гугурт чақиб, Ақидага яқинлаштирди. Афсуски, бу рост эди. Ақиданинг ёстиқ узра ёйилиб ётгувчи паришон сочлари шафқатсизларча қирқилган, табиий гўзалликдан ниҳоят иккилана-иккилана воз кечгани ҳақиқат эди.

Йўлдошали худди ток ургандек сесканиб кетди, бунингдек кўргулик ҳали ҳаётида содир бўлмаганди. Қандай тадбир ўйлаб топмасин, сариқ чақалик фойдаси йўқ, ғишт қолипдан кўчиб бўлибди. Бир неча соатлик кўнгилхушликка бормаса, Ақида сочларидан жудо бўлмасмиди. Балки... Йўқ, бугун бўлмаса, қачондир бу даҳшат юз берарди. Йўлдошали қон босимига йўлиққан кишидек бир неча дақиқа кўз олди қоронғулашиб, боши айланди. Бу ҳолат тезда ўтиб кетди, ўзини босишга уринди, аянчли воқеаларга нисбатан туғиладиган пушаймонлик туйғуси ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини ҳамиша англаб етарди-ю, қўл силтаб кетавериш ҳам осонмаслигидан қийналарди.

Ҳар қандай аросатда қолиш ҳеч кимга тасалли беролмаганидек, Йўлдошали ҳам ғафлатда қолганидан бошини деворга ургиси келди, аммо бу билан нимага эришади. Ақиданинг сочи узайиб қолмайди. Нари борса, сал ўсгач, улама қилиб олади, шуми?

Йўлдошали ваннахонага ўтиб, муздай сувда роҳатланиб, юзини чайди, дилидаги ғубор барибир аримади. Яхшиси ,ухламоқ керак, бундан ўзга малҳам йўқ, эрталаб бир гап бўлар...

У эриниб, кийимларини ҳам ечмади, чуқур «уф» тортиб, меҳмонхонадаги диванга чўзила қолди. Кўзи сал илинган экан, нозик, юмшоқ кафтлар юзини силагандай бўлди. Қаршисида оппоқ тунги кўйлакда хотини жилмайиб турар, воажаб, у бўлиқ сочини йиғиб, чап кўксига тушириб қўйган, қиз боладек яшнаб кетган эди.

Хонада сукунат ҳукмрон бўлиб, фақат соатнинг ёқимли занги қулоққа чалинарди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ТВ

28 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кинокўрсатув. 11.00 «Ҳовлимиздаги стадион». 11.30 «Конанир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. 12.55 «Амалий давра суҳбати». Республика қурилиш комплекси ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш. 13.40 «Халқ ижодиёти».

Тижорат видеоканали

14.40 «Илғор тажриба мактаби». «Узун» пахта тозалаш заводи коллективининг иш тажрибасидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Аждаҳо ғори». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Гўзаллик ҳадя этиб». Телефильм. 20.00 «Ўзбекистон композиторлари». Шоҳида Шоҳимардонова. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон композиторлари». Шоҳида Шоҳимардонова (давоми). 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 «Якшанба оқшомида». Мусиқий программа. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спорлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Мусиқий киоск». 13.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-ва 4-сериялар. 15.55 «Здоровье». 16.40 «Қишлоқ янгиликлари» панорамаси. 17.55 «Марафон-15». Болалар ахборот-публицистик программаси. 19.10 СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хори баянчилар квинтети чалади.

Якшанба кинозали

19.30 «Икки туя учиб борарди». Мультфильм; «Мен қайтиб боргач». Телевизион ҳужжатли фильм; «Эркин қулаш». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 «7 кун». 22.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 22.45 Чайковскийнинг барча симфониялари. 2-симфония.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Симфоник ва эстрада куйлари. 9.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Тюмень телевидениесининг кўрсатувлари. 9.50 «Валентин ва Валентина». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 11.20 «Она замин ташвишида». Ҳужжатли фильмлар. 12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.00 «Экранда 01 хизмати». 13.25 Ф. Пулёнк. «Обад». Концерт. 13.50 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Қайта қуриш даврида районнинг оддий иш кунлари». Киевдан кўрсатилади. 14.20 Арманистон ССР Давлат телерадиоси симфоник оркестрининг концерти. 15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Доктор, эртак айтиб беринг». Мультфильм. 1-2-ва 3-сериялар. 19.10 «Россиянинг чўнтаги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 19.30 СССР халқ артисти А. Днишев ҳамда СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Тойчоқда учиб-учиб борамиз». 20.45 «Атлетизм-89». «Советский спорт» газетасининг соврини учун халқаро турнир. 21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан). 22.30 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Балконга чиқадиган бу хавфли эшик». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 23.55 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр В. Виноградов фильмлари. «Менинг замондошим» (Ленинград).

Маданият янгиликлари

НАСРИДДИН АФАНДИ ТЕАТРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тарғибот маркази ҳузурида ташкил этилган театрнинг аъзолари ўзбек халқ оғзаки ижодининг қаҳрамони, аскиячи ва ҳазилкаш Насриддин Афандини ўзларига иттифоқчи қилиб олдилар. Театр худди ана шундай — «Насриддин Афанди томошахонаси» деб аталади.

Театрнинг номи унинг ижодий йўналишини белгилаб беради, — дейди тарғибот марказининг директори Тўра Мирзо. — Унинг репертуарида асосан комедия постановкалари, ниқоб театри жанридаги спектакллар, масхарабозларнинг анъанавий чиқишлари ўрин олади. Томошаларнинг ўзи эса фақат ёпиқ биноларга эмас, шу билан бирга қадимда бўлганидек майдонларга, очиқ майдончаларга ва дала шийпонларига мўлжаллангандир. Театрнинг доимий саҳнаси бўлмагани учун унинг фаолияти гастроллар, артистлар ҳали жуда кам борадиган қишлоқ жойлари ва республикамизнинг энг узоқ чеккаларига сафар қилиш билан боғлиқдир. Ёзувчилар уюшмаси бу театрни замонавий драматурглар ижодини тарғиб қилиш учун ҳам ўз қаноти остига олди.

Янги коллективга Ҳамза номидаги театрнинг собиқ режиссёри Тожибой Исроилов бошчилик қилмоқда. Дастлабки спектакль халқ ўртасида машҳур бўлган аскиячи тўғрисидаги қувноқ латифалар шаклида қўйилмоқда. Ҳозир репетициялар бормоқда. Театр постановка премьерасини ва ўзининг дастлабки томошасини Наврўз байрамида кўрсатади.

«ДАРД» МОСКВАДА

«Чехов кунлари» Бутуниттифоқ фестивали мамлакатнинг турли бурчакларидаги репертуарида буюк рус ёзувчиси асарлари асосида қўйилган спектакллар бўлган театр коллективларини Москвага тўплади. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бу ижодий кўрикка ёш коллективлардан бири — «Дард» театр-студиясини юборди. Театр-студиянинг Чехов ҳикоялари асосида тайёрланган «Рождество тунида» спектакли фақат томошабинларнинг олқишини қозонибгина қолмай танқидчилар томонидан юқори баҳоланди. Бадиий раҳбар Наби Абдураҳмоновнинг режиссёрлик иши ҳақида ҳам жуда яхши фикрлар билдирилди.

«Дард» театр-студияси ёш бўлишига қарамай ёрқин постановкалари билан ўзини кўрсатишга улгурди. Айтганча, театр-студия Тошкентда бўлиб ўтган актёрлар уйлари директорларининг Бутуниттифоқ семинарида тақдирланди. Тошкентлик артистлар ўз постановкаларини Львов шаҳрида кўрсатишга таклиф этилди. Уларнинг Россия федерацияси бўйлаб гастроллари ҳам муваффақиятли ўтди. Ниҳоят улар пойтахтда ҳам тан олинди.

Афсуски, «Дард» аъзолари қадрдон шаҳарларида томошабинлар билан мулоқотда бўлишга жуда қийналишмоқда. Театрнинг шаҳар марказидан узоқда жойлашганлиги ҳам, ижодий изланишдан кўра коллективни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўйлашга мажбур этаётган хўжалик ҳисобининг қаттиқ шартлари ҳам, танқидчилар томонидан жиддий эътиборнинг йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. **(ЎзТАГ).**

Қаердасан, олтин шайба?

1970 йили Ўрта Осиёда биринчи хоккей командаси ташкил этилганида минглаб ҳамюртларимиз жуда қувонишган эди. Мухлислар вақти келиб «Спартак»ни (ўша пайтдаги номи) олий лигада, Москванинг, МАСК, «Динамо», «Спартак» командалари қаторида кўришни орзу қилишарди. Ўзбекларнинг ҳам Третьяг, Харламови, Петров ва Михайловлари бўлишини кўз олдиларига келтиришарди. Афсуски, ҳамма орзулари сароб бўлиб чиқди.

Ҳа, ўша йилнинг кузидан бошлаб Тошкентнинг «Спартак» (кейинчалик «Бинокор») командаси мамлакат биринчилиги иккинчи лигасининг Шарқий зонасида ўйнай бошлади. Команда бошқа шаҳардан келган ўйинчилар ҳисобига ташкил этилди. Улар жумҳуриятдан маҳаллий хоккейчилар етишиб чиққунча ўйнаб туриш шарти билан таклиф қилинишганди. Худди шу йили Тошкентда ёш хоккейчилар ва фигурали учиш мактаблари очилди. Дастлабки йилдаёқ мактабга 100 бола қабул қилинди. Хоккей мактаби очилганига уч йил бўлганида мақтанса арзийдиган воқеа юз берди. «Бинокор» ўсмирлар командаси мамлакат биринчилигининг учинчи поғонасини эгаллади. Ўшанда кўпчилик мутахассислар «Бинокор»нинг келажаги ҳақида илиқ гаплар айтишганди. Умидли ёшларни катталар сафига қўшиш пайти келганини таъкидлашганди. Лекин бундай бўлмади. Ўзбек хоккейининг «улуғлари» мактаб битирувчиларига қайрилиб ҳам қарашмади. Оқибатда, уларни ўқитишга сарфланган маблағ сувга тушгандек оқиб кетди. Йигитлар «ўзи келди ёр-ёр, ўзи кетди ёр-ёр» бўлиб тарқалишди. Асосий командани 1975 йилгача Андирянов, Гусев бошқарган бўлса, улардан кейин бу «анъана»ни челябинсклик В. И. Столеров бошчилигидаги «сайёҳ»лар гуруҳи давом эттиришди. «Бинокор» қайси лигада ўйнагани билан уларнинг неча пуллик иши бор? Муҳими, пул келиб турибди. «Садоқатли» шогирдлари иш билан таъминланган. Ўн саккиз яшар тошкентлик умидли спортчининг тренерга нафи тегармиди. Заминни мустаҳкамлаш билан иши йўқ, жуфтакни ростлагунича «қария»лари ишга яраяптими, басда...

Дастлаб мактаб кўплаб маҳоратли ўйинчиларни тайёрлади. Афсуски, уларнинг тақдири билан ҳеч ким қизиқмади. Шу сабабли уларнинг аксарияти ўз номини бошқа соҳалардан излашди. Ўзбекистон ССР жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасидаги масъул раҳбарлар ҳам мактабга унчалик эътибор бермадилар. «Бинокор» иккинчи лигадами, бешинчидами, номига ўйнаб турса бўлди-да, ўзбеклардан хоккейчи чиқиши шунчалик шартми? Шу пайтгача ўзбекдан хоккейчи чиқмаган, бундан буён ҳам чиқмаса яшин урармиди? Шу тариқа ўзбек хоккейи таназзулга юз тутди. Неча йиллик меҳнат, талай маблағ беҳудага совурилди. «Келган-кетганлар» миллионлаб пулларни еб юборишди. Аммо бирон каромат кўрсатишмади. Оқибатда 1988 йили команда батамом тарқатиб юборилди. Хуллас ўзбек хоккейига, келгусида моҳир муз чавгони устаси етишиб чиқиши мумкин бўлган ўсмирларнинг келажагига шулар болта уришди.

Истеъдодли ўйинчилар Р. Камолиддинов, В. Бледнихлар ҳам мактабнинг дастлабки тарбияланувчилари эдилар. Роман армия сафига чақирилгунча «Бинокор»да ўйнади. Ҳарбий хизматга жўнатишаётганида «Ахир бу битта-ю битта маҳаллий ўйинчимиз-ку, иложи бўлса ўзимизда бирорта спорт клубига хизмат қилишга қолдирсак» деб ҳеч ким қайғурмади. Оқибатда, Роман икки йил армияда танкчилар қисмида хизмат қилди. Хоккейга бўлган ҳаваси сўнмаган экан, келиб яна «Бинокор»да ўйнади. Лекин илгариги маҳорати энди йўқ эди. Кейин ёш хоккейчилар мактабига ишга ўтиб кетди. Камолиддиновдан сўнг командада ака-ука Тошпўлатовлар, Азизов, Шибаев, Кичановлар ўйнашди, ҳатто Кичановни СССР ўсмирлар терма командасига аъзо (дарвозабон) қилиб ҳам олишганди.

1979 йили «Бинокор» ўсмирлар ўртасида яна учинчи ўринни эгаллади. Командадаги 30 та ўйинчининг 25 таси ўзбек болалари эди. Ҳужумчи Шукрулла Каримовни СССР ўсмирлар терма командасига қабул қилишди. Унга бир неча обрўли коллективлардан таклифлар тушди. Лекин у жонажон клубида ўйнашни мақсад қилиб қўйганди.

Шу ўринда яна бир собиқ «устоз» В. Бастерс ҳақида икки оғиз сўз. Бастерснинг новосибирсклик йигитлари «Бинокор»да 1976 йилдан бошлаб «жавлон» ура бошладилар. Улар «Бинокор» тарихида энг узоқ даврон сурдилар. Гарчанд команда, Бастерс даврида бироз яхши ўйнаган, биринчи лигада қатнашиб, ҳатто олий лигага чиқишга даъвогарлик қилган бўлса-да, бу вақтинчалик замини бўш шуҳрат эди.

Мушук бекорга офтобга чиқмайди. Бастерсчилар ҳам текинга ҳаракат қилишмади. Ўшанда «Главташкентстрой»нинг ишчилари ўн-ўн беш йиллаб навбатда туриб уй олишолмасди. Улар эса узоғи билан бир-икки ой ичида квартирали бўлишарди. Ўн икки йил мобайнида Бастерснинг командасига 160 та квартира ва кўплаб машина ажратилган.

Нега ўзбекистонликларни асосий составга қўйишмасди? Боғдан берилган саволга «сайёҳ»ларнинг топган жавоблари тоғдан бўлди: «Ўзбекистон шароитида қиш унча узоқ давом этмайди, хоккейни ривожлантиришга имкон йўқ». Аслида шундаймиди? Йўқ.

— Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан, — дейди Тошкент хоккей маҳорати мактабининг собиқ тренери Фёдор Васильевич Борисов, — 1975-1983 йиллар мобайнида жумҳуриятимизнинг вилоятлари орасида «Олтин шайба» мусобақалари ўтказилиб туриларди. Шу мусобақаларда кашф қилинган, ўйинчилардан тузилган жумҳуриятимиз командаси қиш узоқ давом этадиган Новосибирск, Омск, Томск, Свердловск, Ангарск, Норильск, Литва, Украина, Эстония командаларини мағлубиятга учратган. Айни кунларда «Бинокор»нинг учирмалари А. Крамский, И. Каримов, О. Суворов, А. Фомин, Г. Олимхўжаев, С. Борисов Б. Дўстмуҳаммедовлар бошқа жумҳуриятлар шарафини ҳимоя қилишаяпти.

70-йилларда бошланиб, 80-йилларда ҳам давом этган жумҳурият «Олтин шайба» мусобақаси бизнинг шароитда хоккейнинг кенг оммалашганлигини кўрсатди. Бу ўйинларда Навоий, Зарафшон, Самарқанд, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан 76 та команда иштирок этди. Улар хоккейни жони-дилидан севувчи, бир умр унга садоқат билан хизмат қилувчи болалар эди. Улардан битта эмас, тўртта «Бинокор» ташкил этса бўларди. Афсуски, у ташаббус ҳам бир зум ловуллаган на кўри, на ёруғи бор алангага ўхшаб ўчди.

Хоккей ҳозир футболдан кейинги энг оммавий спорт ўйини даражасига кўтарилди. Уни баъзи йилда бир марта қор кўрмайдиган давлатлар ўзининг севимли ўйинлари қаторига киритишди. Ҳиндистон, Бразилия мамлакатлари шулар жумласидандир.

Бастерс келишидан кўзлаган «мақсади»га етди шекилли, яна бошқа жойга кетворди. Команда унинг шогирди — тренер А. Гутовга қолди. Гутов ҳам Бастерсдан кўп нарса «ўрганганди». Маҳаллий ўйинчиларни жалб қилишни эса келажаги йўқ иш деб ўйлади. У ҳам оладиганини олиб яна қайсидир командани «кўтаргани» бошқа шаҳарга жўнаб кетди.

Команда «Бинокор»нинг собиқ ўйинчиси Владимир Погорельский қўлига топширилди. Янги тренер унча кўп ишламади. Айтиш мумкинки, «Бинокор»нинг тренерлари ичида инсофлиси шу бўлди. Погорельский четдан битта ҳам ўйинчи олиб келмади. Ўйинчиларнинг ҳаммаси ёш хоккейчилар мактабининг тарбияланувчилари эди. Умидли ёшлар билан тўлдирилган коллектив ўзини кўрсатиши учун табиийки, маълум бир фурсат керак эди. Фурсат эса етилмаганди. Бизда спорт шу пайтгача оталиққа бириктилиб келинарди. Командалар маълум бир ташкилотнинг оталиғида бўлардилар. «Бинокор»ни оталиққа олган Тошкент шаҳри қурилиши бўйича Ўзбекистон ССР Бош бошқармасининг транспорт бошқармаси хўжалик ҳисобига ўтганлигини рўкач қилиб, командани ва мактабни пул билан таъминлашдан бош тортди. Бу спорт қўмитасидагилар учун яхшигина баҳона бўлди шекилли, улар бош қотириб ўтирмасдан командани ҳам, мактабни ҳам тарқатиб юбордилар. Мактабнинг 500 нафар шуғулланувчиси ва 25 та хоккейчи, бир қанча тренерлар бошқа бир касбнинг «бошини» ушлашга, иш қидиришга мажбур бўлишди.

Мактабнинг собиқ тренери Фёдор Васильевич Борисов болаларнинг бир гуруҳини футболга жалб қилди. Улар ҳозир ўқишдан бўш пайтлари футбол билан шуғулланишади. Шунда ҳам келажакда хоккей мактабининг тикланишига умид қилиб шуғулланишаяпти. Бу ҳам садоқат.

Тўғрисини айтганда, «Бинокор»ни йилига 700 минг сўм пулни «еяпти» деган баҳона билан тарқатиб юборишди. Аслида бу пулга бемалол иккита командани ушлаб турса бўларди. Сарф-харажат ҳақида гап кетар экан, ҳозирги кунда ҳамма командалар ўзини ўзи маблағ билан таъминлай оладими? Ҳатто олий лиганинг кўпгина клублари ҳам ўзини ўзи қопламайди-ку! Спортни, саломатликни пул билан ўлчаш мумкинми? Агар шундай бўладиган бўлса, спортнинг кўпгина турларини бекор қилишга тўғри келмайдими? Энди буёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверасиз. Ҳеч бир олий лига командасига йилига 300 мингдан кам пул сарфланмайди, яъни томошабинлардан тушган пул харажатнинг ярмини ҳам қопламайди. Зиёнига ишлаётган экан, нега уларни ушлаб турибди. Барисини ҳам хўжалик ҳисобига ўтиб олган, дея олмаймиз-ку?!

Қўшни Қозоғистонда бир эмас, бешта хоккей командаси бор. Шулардан биттаси «Торпедо» (Усть-Каменогорск) олий лигада, иккитаси биринчи лигада ва иккитаси иккинчи лигада қатнашишаяпти. Нега уларни Қозоғистон спорт қўмитаси ушлаб турибди-ю, бизникиларга биттаси ҳам оғирлик қилиб қолди.

«Бинокор»нинг бошини силайдиганлар бор. 2-Тошкент уй-жой қурилиши комбинати. Афсуски, бу корхонанинг «Бинокор»ни оталиққа беришни сўраб ёзган хатига на СССР Давлат спорт қўмитаси, на Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси, на «Олтин шайба» клубидан жавоб бўлди. Ахир «Юбилей» спорт залини шу ташкилотга ижарага берса бўладику?! Шунга кетадиган харажатларни ўзи қоплайди. Фақат ташкилотчилик, ишбилармонлик билан ёндашилса бас.

Ҳисобни билган ютқазмас, деганларидек, командани ушлаб туришга кетадиган харажатларни улар хомчўт қилиб кўришган:

ЁШ ХОККЕЙЧИЛАР МАКТАБИГА

1. Ўқув машғулотлари учун — 40,000 сўм;

2. Тренерларга маош — 10,000 сўм;

3. Спорт анжомларини сотиб олиш учун — 10,000 сўм.

КОМАНДАГА

1. Ўқув машғулотлари, оммавий ишлар учун — 100,000 сўм.

2. Маош — 64,000 сўм.

3. Рағбатлантириш учун — 47,000 сўм.

4. Ўн икки фоизли рағбатлантириш учун — 13400 сўм.

5. Спорт кийимлари ва анжомлари учун — 25000 сўм.

6. Транспорт харажатларига — 15,000 сўм.

7. Медицина ва дори-дармонларга — 1500 сўм.

8. Буюртмалар бадали — 10,000 сўм.

9. Почта-телеграф харажатларига — 1000 сўм.

10. Коньки ва жиҳозларни ремонт қилишга — 3000 сўм.

Жами: 340 минг 400 сўм.

Бунча пулни улар қандай қоплайдилар? Ҳар хил учрашувлар (хоккейчилар, фигурали учиш усталари билан учрашувлар, лотерея билетлари сотиш, маданий кўнгилочар программаларни ташкил қилиш орқали 1 миллион 450 минг сўмдан зиёд пул тушишини ҳисоблаб чиқишган).

«Юбилей» спорт саройига ўрта ҳисобда 3700 томошабин тушиши мумкин. Бу ўринни 6000 га ҳам етказса бўлади. Ўртача 3000 томошабинга 40 ўйинда 1 сўмдан билет сотилса, 120 минг сўм тушади. Агар шу 1 сўмлик билетга иккита лотерея билети қўшиб сотилса, бу рақам 360 мингга етади. Маданий кўнгилочар тадбирларга 5000 та билет сотиш мумкин. Бир йилда 30 кун (кунига икки сеанс) сўмдан билет сотилса, 900 минг сўм тушади. Биз сонларни фақат энг кам миқдорда олаяпмиз.

Ҳозир «Юбилей» спорт саройида фақат пуллик фигурали учиш бўлими ишлаб турибди, холос. Бино жуда ремонттaлаб бўлиб қолган. Зудлик билан чора кўрилмаса, ҳамма қилинган меҳнатлар, сарфланган маблағлар бекорга нобуд бўлади. Айни кунларда «Юбилей» спорт саройига спорт қўмитаси йилига 600 минг сўм пул ажратаяпти. Нимага? Бир гуруҳ ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи хизматчиларуу, яна бир гуруҳ ишчиларгами? Биз фактларни келтириш билан спорт қўмитасидагиларни биратўла ишламаётганга чиқармоқчи эмасмиз. Мана, икки йилдирки «Юбилей» спорт саройи бўм-бўш. 17 йиллик қилинган меҳнат беҳудага кетди. Агар яна хоккей командасини очар эканмиз, «қаддимизни» тиклаб олишимиз учун четдан ўйинчилар қабул қилишимиз аниқ. Ахир, қанчадан-қанча имкониятларимизни бой бердик. Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Жумҳуриятимиздаги якка-ю ягона бўлган «Бинокор» командасини тиклаш керак. Аминмизки, агар команда ишончли қўлларга топширилса, у ўзини оқлайди.

Мирза АБДУЛЛА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. 23120
Р 03065

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.